Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

48 йил чиқиши
№ 135 (13.397).
16 июнь 1966 йил
ПАЙШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

Муддатидан илгари

Яна бир область — Қашқадарё областининг колхоз ва совхозлари гўшт сотиш юзасидан давлатнинг ярим йиллик план-заказини муддатидан илгари бажардилар. Хўжаликлар 7,2 минг тоннага яқин гўшт топширдилар. Бу эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан анча кўпдир. Яккабоғ, Қамаши, Шаҳрисабз ва Чироқчи районлари норвачилик фермаларининг меҳнаткашлари олти ойлик топшириқни анча ошириб адо этдилар.

Умуман республикада гўшт тайёрлаш суръатлари бу йил аввалги йиллардагидан анча илдамдир. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КАТТА ҒАМХЎРЛИК

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Тошкент шаҳри аҳолисига медицина-санитария хизматини яхшилаш ва аҳолини ичимлик сув билан таъминлашни яхшилаш тадбирлари ҳақида қарор қабул қилди.

Тошкент шаҳридаги зилзила натижасида бир қанча бинолар, соғлиқни сақлаш муассасалари шикастланди. Ҳукумат комиссияси томонидан берилган маъмурий-хўжалик биноларида очилган вақтлик павильон ва чодирлардаги ўринлар сони касалларнинг ҳаммасини касалхоналарга жойлаштириш ва уларга поликлиника хизматини яхши уюштириш учун ҳали имконият яратиб бермаётир.

Касалликларнинг олдини олиш, аҳолига даволаш-профилактика хизматини яхшилаш. Тошкент шаҳрининг зилзиладан зарар кўрган касалхона ва поликлиника муассасаларини ускуналаш ҳамда жиҳозлаш мақсадида республика Министрлар Совети Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигига шу йилнинг иккинчи ярмида халқ хўжалик планида белгиланган топшириқдан ташқари, касалхоналарда 16125 ўрин тайёрлаш ва бунга қўшимча равишда яна 500 ўрин тайёрлаш учун рухсат бериш ҳақида қарор қабул қилди. Ҳозирги вақтда шу ўринларнинг 13.543 тасидан фойдаланилмоқда. Республика Молия министрлиги шу мақсадда Соғлиқни сақлаш министрлигига қўшимча маблағ ажратади.

Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлигига Тошкент шаҳар ижроия комитети ва Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги билан биргаликда, бошқа жойга кўчирилган даволаш муассасаларига автобуслар қатновини уюштириш масаласини ҳал этиш топширилди.

«Главташкентстрой» трестига муваққат касалхона корпусларини шу йилнинг ўзидаёқ фойдаланишга топширишни таъминлаш, соғлиқни сақлаш иншоотлари қурилишини тезлатиш, шикастланган даволаш-профилактика муассасаларини капитал ремонт қилиш тиклаш ишларини графикка киритиб риоя қилган ҳолда бажариш таклиф қилинди.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигига шаҳар ҳокимлигига медицина-санитария ҳизматини кўрсатиш, аҳолини дорилар билан таъминлаш чораларини тезликда амалга ошириш, ҳамма уйларда ажратиб берилган касалхона ва санитария ўринларини ўз вақтида жойлаштириш, шунингдек мавжуд моддий ресурслар ва махсус автотранспортдан мақсадга мувофиқ фойдаланишни таъминлаш таклиф қилди.

Министрлар Совети Ўзбекистон ССР Геология министрлигига Тошкент шаҳрининг водопровод шохобчаларини бўлмаган районларини текшириш ва бу районларда артезиан қудуқларини қуриш ҳақидаги таклифларини тақдим этишни топширди. «Узгоспроект» институтига насос станциялари лойиҳаларини қудуқлар қазиладиган ўринларга мослаштириб тузиш топширилди.

Водопровод шохобчаларидан маҳаллий районлар аҳолисининг эҳтиёжларини таъминлаш учун Тошкент шаҳар ижроия комитетига водопровод шохобчаларининг рилиши тамомланганига қадар ичимлик сувни мазкур участоларга етказиб бериш, шунингдек Тошкент шаҳрига келаётган бинокорларнинг чодир шаҳарчаларини сув билан таъминлаш тадбирларини этилди.

Ўзбекистон санитария-гигиена ва касбларга хос касалликларнинг илмий-тадқиқот институтига ажратилган ер қудуқлар олинадиган сувдан ичиш ва фойдаланиш имкониятини, шунингдек бу сувни тозалаш усулларини аниқлаб чиқиш топширилади.

ҚАРДОШ ХАЛҚ ДЕКАДАСИ

СОФИЯ, 14 июнь. (ТАСС). БТА агентлиги хабар беради: Ўзбек маданияти декадаси муносабати билан бугун бу ерда «Бугунги Ўзбекистон» деган виставка очилди.

Виставкани очиш маросимида Болгария Халқ Республикаси Халқ мажлиси бюросининг раиси академик Сава Гановский, Болгария—Совет дўстлиги умумхалқ комитетининг раиси Цола Драгойчева ва бошқа расмий кишилар, шунингдек Болгариядаги СССР элчихонасининг кенгашчиси Н. В. Масленников ҳозир бўлдилар.

Болгариядаги газеталарнинг ҳаммаси кеча очилган Ўзбек маданияти декадасига катта эътибор бермоқда.

«Земледелско знаме» газетаси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, Болгарияда ўтказилаётган Ўзбек маданияти декадасига келган делегациянинг бошлиғи Р. Н. Нишонов билан қилинган суҳбатни босиб чиқарди.

София халқ опера театри залида кеча Ўзбек маданияти декадасини тантанали очиш маросимида Болгария Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Министрлар Советининг Раиси Тодор Живков ҳозир бўлди. Газеталарда Ўзбекистоннинг турмушини акс эттирувчи суратлар берилмоқда.

Англияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Совет—Болгария дўстлиги жамияти номига табрик хати қабул қилинади. Мактубда шундай дейилади:

Серқуёш Ўзбекистондан келган қадрли ўртоқлар!

Болгарияда Ўзбекистон маданияти декадаси очилиши муносабати билан тўпланган София жамоатчилигининг тантанали йиғилиши сизларга бутун болгар халқи номидан чин юракдан қизғин салом йўллайди.

Бизнинг халқларимизни мустаҳкам қардошларча дўстлик, бир-бирига ўхшаш тарихий тақдиримиз боғлаб туради. Халқларимиз улуғ рус халқи билан дўст бўлиши туфайли ва Улуғ Октябрь социалистик революцияси байроғи остида озодлик ва мустақилликка эришганлар. Биз қардош рус халқига ва беподе Совет мамлакатининг бошқа халқларига сахий ёрдамлари ва ҳамкорликлари учун чуқур миннатдорчилик ва меҳримизни изҳор этамиз.

Биз Совет Социалистик Республикаларининг дўстлик оиласида муносиб ўрин олган Совет Ўзбекистонини қизғин табриклаймиз. Совет ҳокимияти даврида экономика ва фанни ҳамда маданиятни ривожлантириш соҳасида эришган юксак муваффақиятларингиздан жуда ҳам мамнунмиз. Совет Ўзбекистонининг гуллаб-яшнаши — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси олиб бораётган ленинча миллий сиёсатнинг ёрқин ифодасидир.

Болгар халқи Ўзбекистонни «оқ олтин» республикаси сифатида таниди. Халқимиз унинг сахий ерини севади ва унинг қадимги ва ҳозирги замон маданияти билан, халқ генийсининг ноёб ёдгорликлари билан фахрланади. Болгар бригадирларининг Мирзачўл совхозларида тўккан терлари улкан муҳаббатимизнинг бир бўлагидир. Алишер Навоий ва бошқа ўзбек ижодкорлари ҳар бир ўзбек кишисига қанчалик қадрдон бўлса, бизга ҳам шунчалик қадрдон. Ўзбекистоннинг пойтахти Тошкент эса — биз-нинг ҳаммамиз учун тинчлик ва дўстликнинг рамзи бўлиб қолди.

Болгарияда ўзбек маданияти декадасининг ўтказилиши ўзаро дўстлик ва якиндикнинг янада ошишига, СССР ва Болгария Халқ Республикаси ўртасидаги дўстона алоқаларнинг янада мустаҳкамланишига олиб келади, булар эса қудратимизнинг энг чуқур асоси, ютуқларимизнинг, келажак ғалабаларимизнинг гаровидир.

Мамлакатимизда ўтказилаётган ўзбек маданияти кунлари болгар ва ўзбек халқлари ўртасидаги дўстликкинг, КПСС XXIII съезди улуғвор режаларини амалга ошираётган улуғ Совет мамлакати халқлари ўртасидаги дўстлигимизнинг умумхалқ байрамига айланади.

Қадрли ўртоқлар, биз сизларни яна бир марта табриклаймиз, қуёшли Ўзбекистоннинг янада қуллаб-яшнаши йўлида сизларга ва бутун ўзбек халқига чин юракдан янги-янги ижодий ютуқлар тилаймиз.

Яшасин улуғ Совет Иттифоқи ва унинг тинчлик ва халқлар ўртасидаги қардошликнинг асоси ва қўриқчиси бўлган шонли Коммунистик партияси!

Болгар ва ўзбек халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик яшнасин ва ривож топсин!

Болгар совет халқлари ўртасидаги улуғ ва ҳаётбахш дўстлик асрлар давомида гуллаб-яшнайверсин!

Суратда: Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари — Оққўрғон районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг бўлим бошлиғи М. Чачи, Калинин районидаги «Ўзбекистон 40 йиллиги» колхозининг бригада бошлиғи М. Маҳмудов, Янгийўл районидаги Назарали Ниёзов номли колхоз раиси Ф. Мадалиев ўртоқлар.
А. Тураев фотоси.

ПАХТАКОРЛАР КЕНГАШМОҚДАЛАР

Ғўза гул кўрсатди, деган хабар фақат пахтакорнинггина эмас, бошқа касбдаги кишиларнинг ҳам қалбига қувонч бахш этади. Чунки, пахта республикамизнинг ифтихори, ғуруридир. Ғўза чаккасига гул тақиб безангунча, унга пахтакорнинг қанчадан-қанча меҳнати сингган. Меҳнатигина эмас, меҳрининг самараси бу гул. Гул — бўлажак мўл ҳосилнинг нишонаси.

Тошкент областида қийғос шоналай бошлаган ғўзалар оз эмас. Экинни ҳозирги ҳолатига келтириш учун кўп меҳнат сарф қилинди, кўп қийинчиликларни енгишга тўғри келди. Аммо ҳали минглаб гектар ердаги ғўзанинг кам авжлиги, ҳозирга қадар шона кўрсатмагани пахтакорни ташвишлантирмоқда.

Ғўзанинг амалини қандай қилиб тезлатиш мумкин? Мўл ҳосил тўплаш, уни барвақт етилтириш учун шу кунларда қандай тадбирларни амалга ошириш керак? Тошкент область партия ва совет активлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, мутахассислари, қишлоқ хўжалик илғорлари, уста пахтакорлар ана шуни маслаҳатлашиб олиш учун Оққўрғон районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози боғига тўпландилар.

Апрель ва май ойларида ҳаво паст келганлиги сабабли ғўзанинг ривожланиши ўтган йилдагига нисбатан анча кечикмоқда. Лекин бу кечикишни бартараф қилиб, экиннинг авжига авж қўшиш мумкин, деди «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг директори Ўртоқ З. Мақсумов. Биз экинни икки марта парвариш қилдик. Ўз вақтида суғордик. Шу туфайли ғўзанинг авжи кўнгилдагидек бўлди.

Мўл ҳосил етиштираман деган деҳқон айниқса ҳозирги кунларда меҳнатини аямайди. Ўрта Чирчиқ районидаги хўжаликларида меҳнаткашлар ғўза парваришини кучайтириб юбордилар. Колхозчилар далаларга кўчиб чиқдилар. Ҳар бир ёшу қари шу кунда ўз жойини далада деб билмоқда. Партия ва совет ташкилотлари колхозчиларнинг бу ғайратини ғўза парваришидаги камчиликларни тезроқ тугатишга йўналтирмоқда. Бунда социалистик мажбуриятларнинг қандай бажарилаётганлигини вақти-вақти билан текшириб туриш катта ёрдам бермоқда. Хўжаликларда ҳозиргача уч марта ана шундай текшириш ўтказилди, натижада йўл қўйилган камчиликлар вақтида аниқланиб, бартараф қилинаётир. Шу билан бирга пахтакорларни рағбатлантириш чоралари кўрилмоқда. Барча хўжаликларда меҳнатга аккорд системаси асосида ҳақ тўлаш жорий этилди. Ўрта Чирчиқ район партия комитетининг секретари Ўртоқ Мираҳмедов ана шулар ҳақида гапиради.

Ҳосилни барвақт етилтириш учун ғўзани минерал ўғитлар билан озиқлантиришни 1 июлгача тугаллаш керак. Ундан кейин солинган минерал ўғит экиннинг кўкига зўр беради-ю, ҳосилга п етказади. Оржоникидзе район ги «Қизил Ўзбекистон» колх нинг раиси Ўртоқ А. Матқоб ана шу соҳада тўпланган таж билан ўртоқлашади.

Ҳосил кўчатдан олинади. гашда сўзга чиққан Янгийўл онидаги «Ленинизм» колхози раиси Ўртоқ А. Ортиқов ўз н ни кўчатни сақлаб қолишга ишлади.

Кенгаш охирида Ўртоқ Ш Рашидов СССР Олий Совети зиднуминнинг топшириғига бн область қишлоқ хўжалик и ларига ҳукумат мукофотла топшириди.

Х. ИБРОҲИМО
«Совет Ўзбекистони» ма мухбири.

СССР Олий Советига сайл ўтказувчи Марказий сайл комиссиясида

15 июнда Москвадаги Союз уйида Ўртоқ Б. В. Гришин ра лигида СССР Олий Советига с лов ўтказувчи Марказий сай комиссиясининг охирги мажл бўлди.

Марказий сайлов комиссияси ишига якун ясади ва СССР О Советига сайлов тўғрисидаги зом талабларига мувофиқ сай ҳақидаги ишларни еттинчи ча рик СССР Олий Советининг ринчи сессиясида тузилади Иттифоқ Совети ва Миллатлар ветининг мандат комиссиялар топшириш ҳақида қарор қа қилди. (ТАСС)

ТЕЛЕГРАММАЛАР

ҚАРДОШЛАР ЁРДАМ

СССР Ёзувчилар союзининг с ретариати Ўзбекистон Ёзувчи союзининг зилзиладан зарар к ган аъзоларига бериш учун к лаб қурилиш материаллари аж тишга қарор қилди.

Шунингдек ўзбек ёзувчила нинг болалари Москва атрофи ги иждий уйларда яхши дам моқдалар.

* * *

Россия федерациясининг ил мосига биноан СССР Центросо зи зилзиладан зарар кўрган то нентликларга жуда кўп уй-рўзг маданий-маиший буюмлар юб риш тўғрисида қарор қабул қ ди. Шу жумладан, Тошкентга минг дона коса-пиёлалар, 10 ми кубометрдан ортиқ қурилиш м териаллари, электр асбоб-ускун лари ва бошқа нарсалар жўна лади.

* * *

Россия федерациясининг Ко мунал хўжалик министрлиги То кентга юбориш учун юк таши диган 20 та машина, кўчала сув сепадиган 8 та машина а ратди.

Хоразмликлар изидан

БИЗНИНГ ТАДБИРЛАРИМИЗ

С. ТОИРОВ,
Оққўрғон район партия комитетининг биринчи секретари

«Пахта — бизнинг ифтихоримиз, бизнинг бойлигимиздир! Пахта коммунистик мўл-кўлчилик дастурхонига қўшган катта ҳиссамиздир. Пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун курашдан ҳеч ким четда қолмаслиги керак, ҳар бир киши бу олижаноб ишга ўз ҳиссасини қўшмоғи даркор». Хоразм области пахтакорлари ана шундай ватанпарварлик сўзлари билан барча колхозчиларга, механизаторларга, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассисларига, республикамизнинг барча меҳнаткашларига мурожаат қилдилар. Машъал область пахтакорларининг чақириғи биз оққўрғонликларни гоят ҳаяжонга солди. Районимиз меҳнаткашлари бундай чақириққа жавобан пахтазорларда социалистик мусобақани янада қизитиб: она-Ватанимизга энг қийин 1966 йил шароитида ҳам 65.000 тонна «оқ олтин» топширамиз, демоқдалар.

Дарҳақиқат, ҳар бир пахтакор учун масъулиятли дамлар келди. Ҳозирнинг ҳар куни аҳамияти жиҳатидан ўн кунга татийди. Мана шундай кезларда бутун партия ташкилотлари, ҳамма коммунистлар айниқса зўр тадбиркорлик билан иш кўришлари лозим. Районимиз партия ташкилотлари хоразмликлар мурожаатини кенг муҳокама қилиб чиндилар. Шу асосда ишлаб чиқилган тадбирлар эса оқилона амалга оширилмоқда. Шуниси қувончлики, бошлангич партия ташкилотлари йиғилишларида коммунистлар хоразмликлар ташаббусини қўллаб-қувватлаш билан бирга ўзлари ҳам ғўза парваришини кучайтиришга имкон берадиган бир қанча ижобий таклифлар билан чиндилар. Ҳар бир коммунистга конкрет топшириқ берилди.

Хоразмлик ҳамкасб дўстларимиз тўғри айтишади: бу йилги баҳор республикамиз қишлоқ хўжалиги ходимлари учун озмунча қийинчиликлар олиб келмади. Буни биз ўз далаларимизда ҳам кўрмоқдамиз. Бу йил чигит экишни яхши муддатларда сифатли ўтказдик. Лекин шунга қарамай ғўзанинг ривожи ўтган йилдагига қараганда 10-15 кун кечикмоқда. Район партия комитети буни кўзда тутиб ғўзанинг ривожини тезлаштириш тадбирларини кўрмоқда. Шуниси қувончлики, биз ўзимиздаги илғорлар тажрибасини, меҳнатдаги энг яхши намуналарни кенг пропаганда қилмоқдамиз. Уз-ўзидан маълумки, илғорлар тажрибаси қолоқ хўжаликларни ҳам илғорлар даражасига кўтаришга бебаҳо ёрдам беради. Масалан, районимиздаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мустафо Чачи раҳбарлик қилаётган 5-бўлимида ғўзалар барқ урриб ривожланмоқда. Ҳозирги кунга келиб бу ерда ғўза текис ҳосил тугаётир. Бўлим пахта майдонларида бирорта бегона ўт кўринмайди. Узунасига ва кўндалангига культивация қилинган ғўзалар ўғитга тўйдирилиб, яхши сув берилмоқда. Ҳашаротга қарши кураш ҳам намунали ташкил этилган. Шунингдек, мазкур хўжаликнинг К. Автовкина бошлиқ бригадасида ҳам иш яхши ташкил этилган. Бригадирнинг ўзи юқори пахта ҳосили етиштириш ҳамда пахтачиликни комплекс механизациялаштиришнинг устаси ҳисобланади.

Районимиздаги яна бир яхши ташаббус ҳақида айтиб ўтмоқчиман. «Партия XXII съезди» колхозида Ўртоқ Қ. Парпиев бригадир бўлиб ишлайди. Бригаданинг ер шароити жуда ноқулай. Лекин бригадир тадбиркор бўлса бундай ноқулайликни бемалол енгиш мумкин экан. Мазкур бригадада ғўзани суғориш ва ўғитлашнинг янгича усули ишлаб чиқиб қўлланилмоқда. Азот ўғитлари ғўза қатор ораларига узунасига эмас, кўндалангига солинмоқда. Бу эса ҳар бир килограмм ўғитдан кўпроқ наф олишга имкон беради. Шу кунларда Ўртоқ Парпиев бошлиқ бригада ерларидаги ғўзаларга қараб суқинг киради. Пешқадамлар тажрибасини ҳамма бошлангич партия ташкилотлари жойларда кенг пропаганда қилиб, амалда қўллаётганининг боиси ҳам шунда.

Биз шунга аминмизки, агарда барча бригада ва звенолар кўлни кўлга бериб ишласалар, партия ташкилотлари ибратли ташаббусларни тағин ҳам кўпроқ қўллаб-қувватласалар районимизда пахта ҳосилдорлиги ошиши турган гап.

Хоразмликлар изидан бориб биз июнь-июль ойларини «оқ олтин» учун курашнинг зарбдор даври деб эълон қилдик. Бунинг учун биз бир қанча тадбирларни амалга оширяпмиз. Чунончи, меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган ҳар бир киши ғўзани бегона ўтлардан тозалашга-ўтоқка сафарбар этмоқда. Айниқса, механизация воситаларидан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қиляпмиз. Механизаторларнинг ишини оқилона ташкил этиш, уларни рағбатлантиришнинг энг мақбул формаларидан фойдаланиш учун курашяпмиз. Ҳаммага аёнки, ҳозир кун жуда иссиб нетган дамда ғўзани қондириб суғориш — мўл ҳосил учун курашнинг энг масъулиятли шартидир. Шу кунларда ғўза суғга қонмас экан, унинг ҳосилдан қолиши турган гап. Шуннинг учун ҳам район партия комитети, хўжаликлардаги бошланғич партия ташкилотлари суғоришга алоҳида эътибор беряпти. Ғўзани тунда суғориш ҳар жиҳатдан қулай. Биринчидан, сув кам сарф бўлади, иккиничидан, у ўсимлик танасига яхши сингади. Кези келганда шуни айтиб ўтиш керакки, биз комплекс механизациялашган пахтачилик звенолари бошлиқлари учун эсдалик дафтарчаси тайёрлаб, ҳамма хўжаликларга тарқатдик. Унда июнь-июль ойларида пахтакорлар амалга ошириши лозим бўлган энг муҳим тадбирлар кўрсатиб ўтилган. Чунончи, иккинчи сув беришдан олдин қадимдан халқ қўллаб келган усул — шарват, чиқинди, гўнг, минерал ва маданий ўғитлар, компостларни ўқариқ бошидаги махсус тайёрланган ўраларга ташиб етказиш керак. Иккинчи ва навбатдаги суғоришдан олдин ҳар бир эгатга чуқур культивация солиш керак. 5—10 июлга қадар ғўзани ўғитлар билан озиқлантиришни тугаллаш зарур. Иккинчи сувдан кейин узунасига ва кўндалангига культивация солишни бошлаб юбориш кўзда тутилади. Культивациядан кейин ҳар бир туп кўчат атрофини бегона ўтлардан тозалаш, 25 июндан нечиктирмасдан кетмон билан иккинчи ишлов беришни тугатмоқ даркор. Июль ойи ичида эниини икки марта суғориш, ики марта культивация қилишни назарда тутяпмиз.

Агар кишилар уддабурон, тадбиркор бўлмаса, партия ташкилотлари ишни пухта ташкил этмаса, ҳар қандай яхши тадбир ҳам тадбирлигича қолиб кетаверади. Шу боисдан ҳам район партия комитети белгиланган тадбирларнинг қай даражада бажарилаётганини кун сайин назорат қилиб боряпти. Райком ходимлари хўжаликларда тез-тез бўлиб, бошлангич партия ташкилотларининг секретарларига амалий ёрдам кўрсатмоқдалар, меҳнаткашларни мўл ҳосил учун курашга сафарбар этишда йўл-йўриқ бермоқдалар. Айниқса коммунистларнинг шахсий намуна кўрсатиб ишлашини таъминлаш, ҳар бир партия аъзосининг ҳосил таҳдири учун масъулиятини кучайтиришга ҳаракат қиляпмиз. Ишни яхши ташкил этган партия ташкилотларининг тажрибаси умумлаштирилиб, бошқаларга ёйиляпти.

Ҳозирги масъулиятли дамларда партия ташкилотлари зиммасида хилма-хил вазифалар турибди. Улар меҳнатни ташкил этиш, илғор тажрибаларни пропаганда қилиш билан кифояланиб қолмай, оммавий-сиёсий пропаганда-агитация ишларини юқори савияга кўтаришлари даркор.

Шу кунларда агитаторларнинг жўшқин даъват этувчи, далда берувчи сўзлари ҳар қачонгидан ҳам зарур. Деман, партия ташкилотлари, коммунистлар оммавий-сиёсий ишларнинг ҳамма форма ва методларидан оқилона фойдаланишлари даркор. Районимиздаги кўпгина хўжаликларнинг бошланғич партия ташкилотлари агитаторлар фаолиятини кучайтириб юбордилар. Оташин сўз усталари қишлоқ меҳнаткашлари орасида юриб, ғўза парваришидаги илғор тажрибалар ҳақида қизиқарли қилиб сўзлаб бермоқдалар. Айрим агротехника тадбирлари ҳақида суҳбатлар ўтказмоқдалар. Бундан ташқари, дала шийпонларини оммавий-сиёсий ишлар марказига айлантириш учун қурашмоқдамиз. Чунки колхозчилар ўртасида тарбиявий иш олиб бориш учун энг мақбул жой дала шийпонидир. Шунингдек, колхозчиларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш, дала меҳнаткашларига маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш борасида бизда талайгина ишлар қилинляпти.

Районимизнинг қаерига борманг «Ҳамма зарбдор фронтга», «ғўза парваришига» деган шиор ёзиб қўйилганини кўрасиз. Оққўрғонлик мириқкор пахтакорлар янги беш йиллигининг биринчи йилида Ватанга 65 минг тонна «оқ олтин» етиштириб беришдан мақсад йўлида курашар эканлар, бу жанговар шиорга ҳамиша амал қилишга ишончимиз комил.

Савдо ходимларининг Бутуниттифоқ кенгаши

15 июнда Москвадаги Кремль театрида савдо ходимларининг Бутуниттифоқ кенгаши очилди. Кенгашда барча иттифоқдош ва автоном республикаларнинг, ўлка ва областларнинг вакиллари қатнашмоқда.

Кенгаш президиумида Л. И. Брежнев, А. П. Кириленко, К. Т. Мазуров, Д. С. Полянский, В. В. Гришин, П. Н. Демичев, И. В. Капитонов ўртоқлар, партия, совет, жамоат ташкилотларининг вакиллари бор.

СССР савдо министри А. И. Струев КПСС XXIII съезднинг қарорлари ва савдо ходимларининг вазифалари ҳақида доклад қилди. (ТАСС).

Ғўза ўт ичида

Шўра, чирмовиқ, қиёқ ва бошқа ўтлар Рамазон Одиловни қуршаб олган. Икки қўлида дурра, тинимсиз олпинади. Чивинлар бозоридан аламзада бўлиб, гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа ағанаяпти.

— Во-оҳ! Ўтлардан дод! Ўртоқ агрономлар, ёрдам берингларр!

— Қандай қилиб, нима қилайлик ранс?— Раҳматов, Худойқулов, Бойматов каби дала агрономлари унга илтижо билан қуллуқ қилади.

— Доридан йўқми, доридан?!

— Машина банд дедингизку! Бегона ўтларва, ҳашаротга қарши ажратилган химикатлар ҳали колхозга келтирилмаган...

— Қуткарингларр, вой дод!

Раис чўчиб кўзини очди.

— Уфф! Ҳайрият, тушим экан!

Ажабланманг, Бухоро районидаги Ленин номли колхоз раиси Рамазон Одиловнинг туши ўнгидан фарқ қилмайди. У раҳбарлик қилаётган хўжаликда 1530 гектар майдондаги ғўзанинг ярмисини бегона ўт босиб ётибди.

Хўжалик раҳбарлари мавжуд ишчи кучи, техника воситаларини дала ишларига сафарбар этмаяптилар.

Колхознинг Ш. Шарипов, Ҳ. Ҳожиев, О. Ҳасанов ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ғўзалар қаровсизликдан бегона ўт орасида қисилиб қолган. Ғўзани бегона ўтлардан тозалаш, мўл ҳосил учун ҳозирдан пухта замин яратиш ҳақида қайғурилмаётир.

— Тўла гектарлар ҳосил қилиш учун нималар қилиняпти?

— Бизда гектарлар тўлиқ, кўчатдан хижолатлигимиз йўқ! — дейди Рамазон Одилов.

Дала айланиб, бошқача манзарани кўрдик. Шомурод Шарипов бошлиқ бригада пайкалларида карта четлари, уватларда ғўза туплари кўринмайди. Ҳар гектар ерда 85—90 минг туп ўрнига 60—65 минг туп кўчат ўстирилмоқда. 75 гектар майдондаги ғўзанинг учдан бир қисмини бегона ўт босиб ётибди. Далада одамлар кўринмайди.

Беш йилликнинг дастлабки йилида давлатга 3672 тонна «оқ олтин» етказиб берилиши керак. Бу юксак мажбуриятни бажариш учун хўжалик раҳбарлари, коммунистлар ва комсомоллар ғайрат кўрсатиб ишлашлари лозим.

Т. НАЗИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ТАШВИШЛИ СИГНАЛЛАР

Ваъдабоз раис

Бўка районидаги Охунбобоев номли колхозда ғўза парваришига ўтакетган даражада бепарволик билан қараляпти. Далада ғўзалар бегона ўт ичида ёниб ётибди. Ғумайлар уруғ бойлаб, ёш ниҳолларнинг озиқ-овқатига шерик бўляпти. Колхоз раиси Холиқул Абдиқулов бўлса парвоз палак, ҳар уч кунда бир марта ваъда беради, лекин натижа йўқ. Ғўзалар ҳамон ўт ичида.

□ □

КОЛХОЗ РАИСИ:

— Яна ваъда бериб айтаманки, уч кун ичида далаларни бегона ўтдан тозалаймиз.

М. Воробейчиков чизган расм.

ХАЛҚ МУЛКИНИ КЎЗ ҚОРАЧИҒИДЕК САҚЛАЙЛИК!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ҚОҲТРОЛИ КОМИТЕТИДА

Зилзила Тошкентга катта шикаст вади. Ҳозир юз берган шароит-халқ мулкини кўз қорачиғидек аш, кўрилган зарарнинг кўпа-нга сабаб бўладиган ҳара-ларга йўл қўймаслик ҳар қа-дагидан муҳимроқдир. Аввало, зиладан шикастланган бўлса , лекин яшаса, яшласа бўлади-уй-жой, биноларни, иншоот-ни иложи борича кўпроқ сақ-қолиш, улардан фойдаланиш ур.

Лекин шунга қарамай, айрим килотларнинг раҳбарлари дав-мулкини қўриқлашнинг бутун ъулиятини тўла ҳис қилмаётир-, улардан баъзилари халқ бой-нга нисбатан масъулиятсизлик боқим бўлиш кайфияти би-карамоқдалар.

Қинда Ўзбекистон ССР Халқ ТРОЛИ КОМИТЕТИГА бир қанча наткашлар рентгенология, ра-логия ва онкология илмий тек-риш институтининг зилзиладан ман шикастланган, лекин ре-т қилингандан кейин тур-бўладиган биналар бе-дан бекорга бузиб юборит-ганлигини хабар қилдилар. дай хабарга ишониш амри-ма-эди, лекин текширишда факт-тўла-тўкис тасдиқланди. Ин-титут раҳбарлари биноларнинг бундан кейин вайрон бўлиб кети-шининг олдини шошилинч равиш-да олиш ва бу биноларни тиклаш ўрнига ўйлаб-нетмай бегамлик би-лан институтни бузишга тушиш-ган. Барча биноларда сира зарур бўлмаса ҳам поллар бузиб ташлан-ган, ойналарнинг рамлари, эшик-лар олинган, санитария-техника ускуналари бузиб ташланган, том-лар олиб ташланган. Зилзиладан деярли шикастланмаган бўлса ҳам ёзлик павильон бузиб юборилган.

Шундай қилиб, институт раҳ-барларининг халқ мулкига давлат нуқтаи назаридан қарамасликлари натижасида давлатга қўшимча за-рар етказилди.

Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети мазкур масалани муҳо-кама қилар экан, рентгенология, радиология ва онкология институ-ти раҳбарларининг хатти-ҳаракати-нинг қаттиқ қоралади. Комитет давлатга етказилган зарарнинг бир қисмини институт директори профессор Ж. М. Абдурасулов ва институт директорининг ўринбоса-ри С. М. Мелькумов ўзларининг бир ойлик маошлари миқдорида тўлашлари керак, деб топди.

Комитет Ўзбекистон ССР Соғ-лиқни сақлаш министрлиги раҳбар-ларининг диққат-эътиборини улар институт биноларни бузишнинг олдини олиш чораларини кўрма-ганликларига қаратди ва министр-ликка қисқа муддатда ана шу жойларни қайта тиклашни топ-ширди.

Мазкур воқеа Тошкент шаҳар ижроия комитети, министрликлар ва идоралар иншоотларни, бино-ларни бузиш тўғрисидаги қарор-ларнинг қанчалик тўғридиги уст-ида назоратни кучайтиришлари зарурлигини, биноларни бузиш тўғ-рисидаги масалани ҳал қилишда имкони борича кўпроқ эҳтиёт бў-лишлари, бундан кейин фойдала-ниш мумкин бўлган бино ва ин-шоотларни қайта тиклаш ва улар-дан фойдаланиш масаласига эҳти-ётлик билан қарашликларини та-қозо этади.

Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети жамоатчилик билан бир-галикда халқ мулкини бундан буён ҳам кўз қорачиғидай сақ-лаш учун астойдил ҳаракат қила-ди.

Тошкент химия-фармацевтика заводида кўп лаб доривор препаратлар ишлаб чиқарилмоқда. Дори тайёрлаш ишларининг асосий қисмини хотин-қизлар бажармоқда. Чапдаги суратда ампула цехининг бригадири А. Шокирова ва ҳалол меҳнати билан натта обрў қозонган ишчи Л. Рудой ўртоқларни кўриб турибсиз. Ўнгдаги суратда: бинт қирқиш цехининг илғор ишчилари Е. Ларина ва Н. Дадабоева ўртоқлар.

И. Глауберзон фотолари.

ЖАМОАТЧИЛИК ИШИ

14 июнда Тошкент шаҳри Киров район партия активининг йиғилиши бўлди. Бу йиғилишда зилзила натижасида шикастланган саккиз мактаб биносини ва ўндан ортиқ болалар муассасасини жамоатчилик-нинг кучи билан ремонт қилиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Йиғилиш қатнашчилари янги ўқув йили-га тайёргарлик масаласини муҳокама қил-дилар. Район халқ маорифи бўлимининг мудири И. Туртаев ўз докладида жамоат-чиликнинг дастлабки ташаббуси тўғрисида сўзлаб берди. «Узбексельмаш» заводининг коллективи икки мактаб биносини тиклаш-га киришди. Ремонт-экскаватор заводи бо-лалар богчаси тўғрисида ғамхўрлик қи-лишни ўз зиммасига олди, Районда синф-ларни ва ўқув кабинетларини жиҳозлаш, болаларнинг ҳаммасини ўқишга жалб этиш ва ўқув йилининг муваффақиятли бошла-нишини ҳал этадиган бошқа масалаларга катта эътибор берилмоқда.

Йиғилишда таъкидлаб ўтилганидек, ҳо-зирги вақтда «Главташкентстрой» Киров районидаги ўқув юртлари ва болалар муас-сасаларини тиклаш ҳамда қуриш соҳасида катта иш программасини бажармоқда.

Йиғилишда Тошкентдаги барча партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилот-ларига, бинокорларга ва ота-оналар коми-тетларига мурожаат қабул қилинди. Киров районининг меҳнаткашлари янги ўқув йи-лига тайёргарлик бутун жамоатчиликнинг иши бўлиб қолсин демоқдалар. (ЎзТАГ).

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ЯНГИ ҚУРИЛИШЛАРИ

ДАРЁ ЖИЛОВЛАНАДИ

Оҳангарондек асос дарё Ўзбекистонда кам. Ку-ва ва Чатқол тоғ тизмалари оралиғидан чиқиб қириб, лойқаланиб оқаётган бу дарё сувлари суда оқади. Баъзан ўзандаги сув тиззага чиқ-а, баъзан кўпириб-тошиб, тоғ тошларини чир-ак қилади.

Кирқинчи йилларга келиб Оҳангарон воҳаси кум бўлиб қолди. Геологлар бу ерда қалин-а 40 метргача етадиган кўмир қатламлари лигини аниқладилар. Аксига олиб бу кўмир ламлари дарё тубидан ўтар экан. Кўмирни к усулда қазиб олишга киришилди. Аммо нгарон дарёси разрез чеккаларини ювиб ке-кончиларни ташвишга солиб турарди. Дарё нини вақтинча бошқа йўлга солиб юориб, рез кенгайтиларидан. Лекин асос дарё яна нини ўзгартириб, ишнинг белига тепиб турар-Разрез ишчилари ва мутахассислари энди ни ёпишимиз керак экан-да, деган хаёлга ган кунлар ҳам бўлди. Дарёни батамом жи-ламасдан туриб, разрезда ишларни бамайли-ир олиб бориш жуда мушкул эди.

разрез директори Николай Суслов ташвишда ди. Кўмир қазиб чиқаришни давом эттираве-хавфли эди. Фалокат юз бериб қолса, одам-курбон бўлиши мумкин, бу билан ўйнашиб майди. Разрез ёпиб қўйилса, озмунча зарар илмайди.

Кон коммунистлари ички резервлар-ни қидириб топиб, коннинг ишлаб туриши учун бу-тун куч-ғайрат ва билимларини сарфладилар. Ҳа-ракатдаги кўмир ортиладиган составлардан фой-даланиш яхшиланди. Бунинг учун уларга паровоз ўрнига тепловоз тиркаладиган бўлди. Эндиликда ҳар бир составга 200 ўрнига 250 кубометр юк ортила бошлади.

Бундан ташқари составлар юрадиган темир йўллар қайтадан хавфсиз ерларга ўтказилди. Бу тадбирларнинг ҳаммаси туфайли кондан кўмир қазиб олиш камайиб кетмади. Шундай қилиб, разрез ҳозирги кунда ҳам тўла қувват билан ишлаб турибди.

Мутахассислар эса дарё ўзанини батамом бошқа ерга кўчириш масаласини ҳал этдилар. Инженерлар жуда катта ва мураккаб масалани, яъни дарё ўзанини кўмир қатламлари бўлган ердан четга буриб юбориш масаласини ҳал этдилар. Энди ўзан тоғлар бағридан ўйиб қазилган ер ости йўли — яъни тоннель орқали оқади. Бундан бир неча ой муқаддам «Узбекуголь» комбинатининг коллективи ана шу ноёб лойиҳани амалга оширишга киришди.

Ўзбек шахтерларига Москва метросини қурган азаматлар ёрдамга келишди. Тоннелнинг узунлиги 5200 метр бўлади. 1968 йилдан бошлаб Оҳангарон дарёси ана шу ер ости йўлидан оқа бошлайди.

Тоннель билан бир қаторда йирик тўғон ҳам барпо этилмоқда. Ана шу тўғон ёрдамида дарё янги ўзанга бурилиб юборилади. Тўғон ёнида сиғими 80 миллион кубометр бўлган сув омбори барпо этилади. Бу сув омбори Оҳангарон — Олмалиқ йирик саноат районини сув билан тўла-тўкис таъминлайди.

Оҳангарон дарёси проблемасининг шу қадар мукаммал ҳал этилиши мамлакатимизнинг техника қудрати ва иқтисодий бадавлатлигидан далолат беради. Юқорида айтиб ўтилган ишларни бажариш учун жуда катта маблағ сарфланса ҳам, у тез орада ўзини коплайди.

Биз метро қурувчилар раҳбари П. Канишев билан тоннель бўйлаб юрдик. Ўртоқ Канишев Москва метросини қурган мутахассислардан бири. Ҳавас қилса арзийдиган одам экан Павел Васильевич. Менинг дилимдаги гапларни худди эшитиб тургандек Канишев мийиғида кулди: «Бир совет мутахассисидек ишлаб турибман, лекин қурилишимизда ишлаётган ёшларга ҳавасим келади. Кечаги қора ишчи бугун бригадир, малакали ишчи. Имонали Матқосимов, Абдулла Мирзабоевларни топиб гаплашинг. Ажойиб ёшлар».

Беш йиллик режаларидан илҳомланган оҳангаронлик замон фарҳодлари дарё жиловини тутиб, уни янги ўзанга бурмоқдалар.

К. АЛЕКСАНДРОВ.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Гўшт ва сут маҳсулотлари етиштириш юзасидан етти йиллик план топшириқларини бажаришда эришган муваффақиятлари ва гўшт ҳамда сут саноатини ривожлантиришдаги хизматлари учун СССР Олий Совети Президиуми 1966 йил 14 июнь фармонига биноан, СССР Гўшт ва сут саноати министрлиги корхоналари ва ташкилотларининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ходимларидан натта бир группасини СССР орден ва медаллари билан мукофотлади.

* * *

Етти йиллик план топшириқларини бажаришдаги алоҳида хизматлари ҳамда гўшт ва сут маҳсулотлари етиштириш юзасидан юксак техника-иқтисодий кўрсаткичларга эришганлиги учун Узбекистон ССРдан Тошкент гўшт комбинатининг саллоҳи Болта Қодировга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди, Ленин ордени ҳамда «Уроқ ва Болга» олтин медали топширилади.

УЛУҒ ВАТАН УРУШИ ҚАҲРАМОНЛАРИ ИЗИДАН

МАНГЎЛИК

ЛАВҲА

Қадимий Мирзачўлда Янгиер яқинида кичкина мақбара бор. Унинг мармар тошига мана бундай сўзлар ёзилган: «Жўрахон Усмонов. Совет Иттифоқи Қаҳрамони. Гвардия лейтенанти. 1923—1945 йиллар».

Оддий бу мақбара ёнидан гул аримайди. Бу пахтакорларнинг ўз қаҳрамонига бўлган меҳр-муҳаббати рамзидир. Янгиерликлар орасида бир неча йилдан буён қаҳрамон лейтенантнинг жанговар фаолияти, довюраклиги ҳақида ҳикоя дилдан-дилга кўчиб юради.

Жўрахон Усмонов Тошкент областидаги кичик Совот қишлоғида туғилди. Болалиги шу ерда ўтди. Мактабни аъло баҳолар билан битирди. Ҳаёлчан бу йигит муаллим бўлишни орзу қиларди. У ўз орзусига етиши аниқ эди. Лекин севимли Ватан бошига кулфат тушди: уруш бошланди. 18 яшар комсомол аъзоси Жўрахон Усмонов аскарлик шинелини кийди.

Йигит дастлабки жангларда ёқ довюрак, интизомли жангчи эканлигини кўрсатди. Унинг бу фазилатлари учун Жўрахон Усмоновга сержантлик унвони берилди. Бўлим командири бўлди. Кўп ўтмай эса рота комсомолларининг етакчисига айланди.

Жўрахон Усмонов урушнинг гоят машаққатли йўлларини дадил босиб ўтди. У кўпгина жангларда қатнашди. Ҳужум пайтида ҳам, мудофаа вақтида ҳам катта жасорат кўрсатди. Бир неча марта «тил» тутишга бориб муҳим «ўлжалар» билан қайтиб келди. У ҳамиша олдинги сафда бўлди. Ватан ва халққа садоқат билан хизмат кўрсатишда бошқаларга намуна кўрсатди.

1943 йилнинг кузи эди. Душман қўшинлари Курск остоналарида иксон этилгач, Н-полк ёвни икки ой тинимсиз қувиб, ғарб томон ҳужумни давом эттирди. Олдинда кекса Днепр. Унинг йўлини Сож дарёси тўсиб ётарди. Душман бу дарё қиргоғидаги тепаликка истеҳком қуриб олган. Вақтни бой бериш мумкин эмас эди. Чунки душман ёрдамчи кучлар билан ўзини янада мустаҳкамлаб олишга ҳамда қўшинларимиз ҳужумини тўхтатишга уринарди. Шу сабабли дарёни қандай бўлмасин тезроқ кечиб ўтиш варур эди. Командир ўринбосари бўлган старший сержант Жўрахон Усмонов взводига дарёнинг у бетига ўтиш вазифаси юклатилди. Сентябрь туни қора пардасини ташлаганда Жўрахон Усмонов бир неча жангчини дарё лабига бошлаб келди. Улар қайиқларга ўтиришди. Тун сокин эди. Гўё душманнинг нафаси ичига тушиб кеттандай.

— Вақт етди. Олга! — деди сержант Усмонов. У оддий солдат Лелета билан бир қайиқда олдинда борарди. Қиргоқ яқин. Қайиқ балчиққа тиқилиб қолди. Улар эсон-омон қиргоққа чиқиб олганликлари ҳақида дўстларига сигнал беришди. Сув устига тортилган арқон бўйлаб взводнинг бошқа жангчилари ҳам ўта бошлашди. Жангчилар душман томон 300 метрча юришиб қулай жойда мудофаа учун окоп қазишга киришдилар.

Тонгда душман довюракларни пайқаб қолди. Уларнинг устига пулемёт ва миномёт ўқлари ёғилди. Гитлерчилар ҳужумга ўтди. Усмонов жангчилари уларни жуда яқинга келгунча тишни-тишга қўйиб кузатиб туришди. Сўнгра қўқ-қисдан ўт очиб, гитлерчиларни талвасага солиб қўйдилар. Қўл пулемётлари, гранаталар ишга тушди. Взвод ҳужумга ўтди. Улар фашистларни қувиб бордилар. Янги марра эгалланди. Ана шу жангда взвод командири лейтенант Озеров оғир ярадор бўлди. Взводга командирликни Жўрахон Усмонов ўз қўлига олди.

— Биродарлар, бир қадам орқага чекиниш йўқ. Ўламиз, аммо буйруқни бажарамиз! — деди у.

Атроф қоронғилашганда душман яна ҳужумга ўтди. Бу саккизинчи ҳужум ҳам бартараф этилди. Лекин взводнинг ҳам аҳволи роят танг эди. Ўқ тугаган. Кўпчилик яраланган. Фашистлар жуда яқиндан туриб баралла қичқирарди: «Таслим бўл, рус!»

Сўнгги ҳужум ҳам қайтарилди. Ўша тун отишма тинмади. Вақтдан фойдаланган жангчилар ўликлар ёнидан патрон ва гранаталар йиғиб келишди. Шундай қилиб тонг отди. Душман яна ҳужумга ўтди. Взводдагиларнинг ўқи тугади. Фақат гранаталаригина қолди. Душман солдатлари эмаклашиб келарди. Улардан бири жуда яқинга келиб, бир неча гранатани бир-бирига боғлаб, солдатларимизга ташлади. Ана шу дақиқада Жўрахон Усмонов гоят эпчиллик ва довюраклик кўрсатди. У душман ирғитган гранатани илиб олиб, душман юборган «бало»ни ўша он ўзига қайтариб отди. Душман ер тишлаб қолди. Командирнинг жасоратидан руҳланган жангчилар душманнинг устига ташланиб, унинг ўн учинчи ҳужумини ҳам қайтаришди.

Эртаси кун кечга яқин кўлдан интизор бўлган ёрдам етиб келди. Бунга қадар взвод эгаллаган майдонда фашистларнинг юзлаб жасади ётар эди. Баҳодир совет жангчиси, 20 яшар комсомол аъзоси, старший сержант Жўрахон Усмонов раҳбарлигида жангчилар ажойиб жасорат кўрсатиб, мудофаа майдонини қўлда тутиб турдилар. Бу билан улар қўшинларимизнинг катта кучини Сож дарёсидан муваффақиятли ўтиб, Днепр томон ҳужумларини кенгайтириш учун имконият яратиб бердилар. Ўзбек халқининг асил фарзанди Жўрахон Усмонов Сож ёқасида кўрсатган жасорати учун олий унвон — Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонини олиш шарафига муяссар бўлди.

Кўп ўтмай, ботир жангчи офицер бўлди. У ротага бошчилик қила бошлади. Жўрахоннинг Улуғ Ватан уруши йилларида кўрсатган жасоратларининг ҳаммасини санаб ўтиш қийин. Айниқса, Совет Белоруссиясини озод этишда жуда катта қаҳрамонлик кўрсатди. Афсуски, ажойиб жангчи Ж. Усмонов улуғ ғалаба кунларини кўролмади. У оғир яраланиб, 1945 йил февралида, катта ғалаба арафасида госпиталда вафот этди.

...Лекин қаҳрамонлар ўлмайди! Улар ҳамиша сафимизда, коммунизм қураётган кишилар ёнида. Яқинда СССР Мудофаа Министрининг буйруғи билан Жўрахон Усмонов уруш йилларида хизмат қилган шонли Н- бўлинманнинг шахсий составини рўйхатига лейтенантнинг номи ҳам ёзилди. Ҳар куни шахсий составнинг кўриси пайтида унинг номи биринчи бўлиб тилга олинади. Жўрахон Усмонов жанговар техникани ўрганаётган солдатлар, машқ майдонларида малака ошираётган жангчилар сафида. Унинг қаҳрамонлиги, Ватанга садқидил хизмати бошқаларга ўрнак бўлмоқда.

П. КИРИЛЛОВ.

Редакция Улуғ Ватан урушининг шонли 21 йиллиги муносабати билан республикамиз ва Совет Иттифоқининг турли чеккаларидан кўплаб хат-хабарлар олди. Редакция Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари, уларнинг мард ва содиқ ўринбосарлари Совет Армияси солдатлари ҳаётини ёритишда актив қатнашган А. Тарчоко, Ж. Саримсоқов, А. Карамишев, В. Никишин, А. Юданов, Ж. Узоқов, Т. Мирзажонов, Н. Сиропятов, А. Мадатов, Н. В. Леонович ўртоқларга миннатдорчилик билдиради.

САНЪАТИМИЗ КЎРИГИ

Алишер Навоий номли академик катта театрнинг Қоҳирада бўлишига доир

З. РАҲИМБОБОЕВА,
Узбекистон ССР маданият министри

Бугунги Ўзбекистон Ўзининг тисодий қудрати, ривож топган даниятн, гўзаллашаётган ада-ети ва санъати билан барча-зни хушнуд этмоқда. Эндилик-бизнинг шаклан миллий, маз-унан социалистик санъат ва ада-етимиз қардош халқлар мада-ияти сафларидан муносиб ўрин иб келмоқда. Совет Узбекисто-миз санъати ҳозирги кунда туниттифоқ саҳнасидан дунё саҳ-асига ҳам чиқиб, жаҳонни қойил олдирмоқда.

Бизнинг театрларимиз ва кон-ерт коллективларимиз ҳали ёш лишига қарамасдан совет ҳамда ет эл томошабинларининг диқ-ат-эътиборини тортиб, ҳурмати-ни қозониб келмоқда. Эндилика ўнёнинг турли мамлакатларидан елган энг талантли артистлар ўз анъатларини кўрсатадиган Мос-ва, Ленинграднинг катта, сало-атли саҳналарида Ўзбекистони-изнинг ҳам сўз усталари, музи-а, қўшиқ ва рақс санъатининг оҳир намояндалари зўр муваф-ақият билан ўз маҳоратларини амойиш қилмоқдалар. Эндиликда у нарса одат тусига кириб бор-оқдаки, ҳатто рус классик бале-ининг ватани — Ленинград ҳам збек балетига қойил қолиб, уни лқишламоқда. Санъат саройида, ИХАТ биносида ва шуҳрат қозон-ан Большой театрда Ўзбек драма а музикали драма театрларимиз з спектаклларини кўрсатмоқда-ар.

Ўзбекистон ўз санъатини бир неча бор чет элларга олиб борди. Бизнинг ажойиб рақсларимиз, му-ика асарларимиз, қўшиқларимиз Европанинг кўпгина мамлакатла-ида. Осиё, Африка, Америкада кўпчиликка маълум бўлди, социа-истни тузумнинг нималарга қо-дир эканлигини, нималар берган-лигини, унинг афзалликларини, Улуғ Октябрнинг Узбекистон мех-наткашларига келтирган бахт-сао-дати, ёрқин истиқболининг нақа-дар гўзаллигини оламга намойиш этди.

Кейинги йилларда йирик театр коллективларининг ва концерт ташкилотларининг чет элларга қилган сафарлари қувончли бир ҳолдир. 1965 йили ўзбек цирки Польша, Венгрия, Югославияда бир неча ой гастролда бўлди.

Бу йил Алишер Навоий номли Ўзбек давлат академик опера ва балет театри балет труппасининг Бирлашган Араб Республикасига қилган гастроль сафари республи-камиз маданий ҳаётида катта во-қеадир. Бу мамлакатимиз миллий балет труппасининг чет элга қил-ган биринчи сафари эди. Қоҳира томошабинлари, театр жамоатчи-лиги Совет Иттифоқи Большой театри, Киров номидаги Ленин-град театри, Новосибирск театри балет труппалари, шунингдек, жа-ҳоннинг кўп мамлакатлари балет труппаларини яхши билишади.

А. Навоий номли театр коллек-тиви Қоҳирага боришдан бир не-ча ҳафта олдин у ерда Югославия балети гастроль томошоларини кўрсатди. Тошкент балетининг гастроли тугашидан беш кун кей-ин эса Қоҳирага Америка бале-ти келди.

Мана шундай қизғин ва мурак-каб бир пайтда гастролга бориш ва сафар репертуарини тузиб чи-қиш анча муҳим ва мушкул эди. Чунки сафар чоғи қоҳиралик то-мошабинларга СССРнинг бир мил-лий республикасида классик ба-летнинг қай даражада эканлигини кўрсатиш лозим эди.

Театр гастролга Чайковский-нинг «Оққуш кўли», Бровциннинг «Семург», Фейгиннинг «Дон-Жуан» балет спектакларини, Чайковскийнинг «Франческа да Римини», Равелнинг «Болеро» бир пардали балетларини ҳамда катта программада концерт номлари-ни олиб борди. Ўзбек труппаси-нинг Қоҳирадаги ҳамма томоша-лари опера театри саҳнасида кўр-сатилди.

Тошкент балетининг қадимий шаҳар — Қоҳирадаги гастролла-ри чинакам санъат байрамига ай-ланиб кетди. Биринчи спектакль «Дон-Жуан»ни томоша қилиш учун Бирлашган Араб Республи-каси маданият министри Солиман Хусейн, дипломатик корпус ҳо-димлари, Қоҳиранинг кўп сонли театр ва адабиёт жамоатчилиги ҳамда СССРнинг Бирлашган Араб Республикасидаги элчиси Д. П. Пожидаевлар ҳозир бўлишди ва санъаткорларимизни қизғин ол-қишлашди. Спектакль тугаганда сўнг БАР маданият министри бале-т артистларини илиқ табриклад, уларнинг ижрочилик маҳоратла-рини юқори баҳолади. Эртасига газеталарда балетимиз шаънига илиқ гаплар айтилган мақолалар босилиб чиқди.

Иккинчи спектаклимиз анча масъулиятли эди. Биз қоҳиралик-ларга янги миллий балетимиз «Се-мург»ни кўрсатдик. Санъатсевар-лар чин дилдан бу спектаклимиз-ни томоша қилишди.

Томошабинлар бир пардали «Франческа да Римини», «Боле-ро» балетларини, «Оққуш кўли»-дан иккинчи кўринишни, Глюк ва Равелнинг қизиқ миниатюра концерт куйларини, С. Юдаков-нинг «Насриддиннинг ёшлиги» ба-летидан «па-де-де»ни ва бошқа номерларни зўр қизиқиш билан кутиб олди. Ҳар бир номер ижро этилганда «қайтарилсин», «бара-калла, офарин» хитобларининг янграб туриши биз учун марокли эди.

Театр гастролининг иккинчи ҳафтасини «Оққуш кўли» балети билан бошлади. Бу спектакль асо-сан театр ижодий коллективи учун премьера бўлди. Чунки, бу ерда унинг биринчи марта кўр-сатилиши эди. Тошкентликлар бу асарни ҳали кўриб улгурмагандилар. Балетни Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист А. Куз-нецов янгитдан, СССР Большой театри нусхасида саҳналаштирган.

Труппамиз Бирлашган Араб Республикасида бўлган вақтида спектакль ва концертлар кўрса-тиш билан бирга қоҳиралик зиёлилар, ижодкорлар билан қатор уч-рашувлар ўтказилди. Совет мута-хассислари ва Асвон тўғони қу-рувчилари билан бўлиб ўтган ҳам-да КПСС XXIII съезди очилиши олдидан Искандарядаги совет ва-колатхонасида уюштирилган учра-шув кечаларида қизғин дўстона суҳбатлар ўтказилди. Айниқса Алишер Навоийнинг 525 йиллиги муносабати билан ўтказилган ке-ча жуда қизиқарли бўлди.

Балет томошаларида ҳар доим зал лиқ тўла бўлди. Телевидение орқали спектаклларнинг парчалар кўрсатиб борилди. Булардан таш-қари Қоҳира телевидениеси Узбе-кистон санъатига бағишлаб кон-церт программаси билан махсус катта эшиттириш уюштирди.

Матбуот ва театр танқидчилари ўзбек балетининг моҳир устолари ҳақида яхши фикрлар баён этди-лар.

«Бугун биз шунинг учун хур-сандмизки, — деб ёзади «Журнал д'Эжипт» газетаси, — Алишер На-вой номли Тошкент театрининг гастролларида ҳузур қилиб қат-нашмоқдамиз, «Дон-Жуан» ва бош-қа постановналар билан танишмоқдамиз. Балетдаги музика, рақслар, кийимлар, декорациялар — ҳаммаси гўзал. Ўзбек артист-ларининг спектакллари ажойиб со-вет балет мактабининг ёрқин тим-солидир». «Оқшом» газетаси ёза-ди: «Семург» балети ҳақида ва унинг музикаси тўғрисида биз ил-гари ҳеч нарса эшитмаганмиз... Лекин музика ва рақсларнинг за-монавийлиги халқ бадиий мероси-нинг нақадар гўзаллигини яққол намойиш этади. Музика спектакл-нинг асосий қисмига айланган... Рақсларнинг қўйилиши, декора-ция, кийимлар тугал бир бадиий умумлашмани ташкил этади...».

«Оққуш кўли» балети алоҳида олқишга сазовор бўлди. «Биз Қо-ҳирада бу балетни кўп марта кўр-ганмиз, лекин бу гал у алоҳида таассурот қолдирди, — деб ёзади таниқли бадиий танқидчи Галяль Фауд, — бу бутунлай янги балет-дир. Ҳамма нарсада ўзгариш қи-линган. Декорация, нур, кийимлар, рақсларнинг қўйилиши, ҳатто му-зиканинг янгилиги бизда бунга катта ишонч туғдирди. «Оққуш кўли»да ижрочилик маҳорати ўзи-нинг энг юқори чўққисига кўта-рилган. Ҳар бир артист, хоҳ у як-ка ролни олиб чиқмасин, хоҳ оммавий саҳналарда қатнашмасин, мазкур ижодий меҳнатнинг ажралмас бир қисми эканлигини чуқур ҳис қилади ва шу олижа-ноб хислатлари билан томошабин-ни ҳайратга солади».

«Мен «Оққуш кўли»нинг саҳна-лаштирилганидан гоятда мамнун-ман, — дейди музика танқидчиси Габриэль Фахум. — Бу Петр Иль-ич Чайковскийнинг ўлмас балети-нинг бутунлай янгича талқинидир».

Мана шундай муваффақият фақат асосий ижрочиларгагина таал-луқли бўлмай, балки бутун қол-лективга ҳам тегишлидир. «Корде-балет, — деб ёзади таниқли музи-ка танқидчиси Антуан Женауи, — юксак техникага эришганлиги би-лан бизни қойил қолдирди. Совет раққосаларининг ва айниқса ёш талантларининг рақс ҳаракатла-ридаги щинамлик ва гўзалликни ай-ниқса таъкидлаб ўтиш керак». Антуан Женауи «Оққуш кўли» постановкасини «ажойиб совет ба-лет мактабининг янги, кўргазма-ли, ниҳоясига етган тимсолидир» — деб баҳолайди.

Балет премьералари ҳақида якунловчи фикр баён қилган «Журнал д' Эжипт» газетаси: «БАР-да совет классик спектакллари-нинг кўрсатилиши одат тусига ки-риб қолмоқда, — деб ёзади, — Бугун биз кекса ўзбек театри — А. Навоий номли Тошкент театри-нинг гастролларини ҳузур қилиб томоша қилмоқдамиз. Балетмейс-тер Кузнецов, Галия Измайлова, Бернора Қориеванинг, Виталий Ва-сильев ва бошқаларнинг бадиий маҳорати бизни мафтун этди. Ба-летдаги музика, бўёқнинг сержи-лолиги, ижрочиларнинг эркин ва зўр ишонч билан ўз вазифалари-ни бажаришлари залдагиларни бутунлай ром этиб, воқеани ҳаяж-он билан охиригача кузатишга ундайди».

СССР халқ артисткаси Г. Из-майлованинг адресига анчагина мақтов гаплар айтилди. Ўзбекис-тон ССР халқ артисткаси Б. Қори-еванинг ижрочилик маҳорати юқо-ри баҳоланди. Шунингдек, артист-лардан В. Васильев, С. Бурҳонов, балетмейстерлар А. Кузнецов, И. Юсупов ва бошқалар тўғрисида ҳам ана шундай яхши фикрлар билдирилди. Матбуотда ва танқид-чиларнинг мақолаларида А. На-вой номли театрнинг бош дири-жёри, Ўзбекистон ССР халқ ар-тисти Б. Иноятовнинг хизматлари муносиб баҳо олди. Дирижёрлик пульти ёнида ўзбек қизи Дилбар Абдурахмонованинг пайдо бўлиши айниқса ҳаммани ҳайратга солди. Ўзбек қизининг юксак маҳорати-га газеталар дарҳол эътибор бе-риб, махсус мақолалар уюштирил-ди. Шундай мақолалардан бири «Алаҳрам» газетасида «Қоҳира симфоник оркестрига совет аёли дирижёрлик қилмоқда» сарлавҳа-си билан босилди.

Тошкент балетининг Бирлашган Араб Республикасида муваффа-қиятли ўтган гастроли ҳар икки мамлакат маданий ҳаётида муҳим ва унутилмас воқеа бўлди. Мар-казий «Алжумҳурия» газетаси бу воқеага баҳо бериб, Тошкент ба-летидан ўрнак олишимиз керак, деб ёзди. Бу бежиз эмас эди. Бу баҳо ўзбек миллий балети анча ўсганидан, унинг нафосат ва ка-молатидан дарак берарди.

Қоҳира сафаримиз фақатгина санъат кўриги бўлиб қолмасдан, балки совет ва араб халқлари ҳамдўстлигини янада мустаҳкам-лашга, мамлакатларимиз маданий, иқтисодий ҳаётида, тинчлик ишида ҳам катта аҳамиятга эга бўлди.

Мана шундай дўстона алоқалари-миз бундан кейин ҳам барқ уриб ривожлана беради.

□ □

Суратда: араб газета ва журналларида гастроль спектакллари ҳақида босилган мақолалар ва фотосуратлар репродукцияси.

Сабзавотчиларга маслаҳатлар

НОЗ-НЕЪМАТЛАР МЎЛ БЎЛСИН

Июнь ва июль ойлари сабзавот ва полиз экинлари маҳсулотлари етиштириш иши билан шуғулланувчи хўжаликлар учун ҳал қилувчи давр ҳисобланади. Чунки ана шу икки ой қишлоқ хўжалик ишлари энг қизғин пайти бўлади. Сабзавот экинлари парваришини яхшилаш, ўртаги экинларни тез ривожлантириш ва кечки сабзавот экишни мувафақиятли ўтказиш учун нималар қилмоқ керак? Биз сабзавоткор хўжаликларнинг раҳбарларини, барча ишчиларини, мутахассисларини қуйидаги тадбирларни амалга оширишга даъват этамиз.

Июнь ойи давомида эртаги картошка, карам, сабзи, ош лавлаги, нўшпиёз ва дон экинларини йиғиштириб олиб, улар ўрнига бошқа экинлар экишни уюшқоқлик билан ўтказиш керак. Бунинг учун далаларни 20-25 июнга қадар ҳосилдан батамом тозалаб ўғитлаш, ҳайдаш ва экишни ўз вақтида ўтказиш зарур. Бу — сабзавот етиштиришни қўпайтиришнинг катта резерви ҳисобланади. Шундай қилганда ҳар гектар ердан қўшимча равишда 150-200 центнер маҳсулот олиш мумкин. Эртаги картошка йиғиштириб олингач ўрнига сабзи, ош лавлаги, карам, силосбоп маккажўхори экиш мақсадга мувофиқдир.

Эртаги карам йиғиштириб олиниши биланоқ ўрнига картошка, илдиз мевалар, мош, силосбоп маккажўхори экиш яхши натижалар бераётганлигини ҳисобга олиш керак. Кўп хўжаликларнинг тажрибаси арпа ўрнига кечки қовун, тарвуз, карам ва картошка экиш яхши самара бераётганлигини исботламоқда. Сабзавоткор хўжаликлар бу йил ана шунга тўла амал қилишлари керак.

Эртаги илдиз мевали экинлар йиғиштириб олингач, ўрнига кечки қовун, картошка, карам ва силосбоп маккажўхори экишни тавсия этамиз. Эртаги бодринг саранжомланганидан кейин август ойининг ўрталарида ўрнига пиёз, саримсоқ, шолғом ва бошқа кечки экинларни экиш фойдалидир.

Қовун, тарвуз, ошқовоқ ва бодринг экиларига ҳамма жойда шира тушди. Ширани йўқотиш учун экин қатор ораларини сифатли культивация қилиш, ҳар бир ўсимлик атрофини чопиш, озиқлантириш ва суғориш, шундан кейин, агар лозим топилса, кўкармаган уяларга намланган ва ниш урган уругларни экиб чиқиш зарур. Полиз экинларини яганалашни кечиктириш ярамайди. Чунки ягана ўз вақтида ўтказилмаса, ўсимлик ривожланишдан орқада қолади. Яганалаш вақтида ҳар бир уяда 2-3 тадан ўсимлик, иккинчи комплекс парваришдан кейин биттадан яхши ривожланган ўсимлик қолдириш лозим.

Полиз экинларини кемирувчи кўк қуртдан асраш учун уругни экиш олдидан 12 процентли гексахлоран билан ишлаш керак. Бунда ҳар бир килограмм уруққа 50 грамм гексахлоран солинади. Ёки ҳар килограмм уруққа 3 грамм меркуран, бу дори йўқ бўлса 5-8 граммдан ТМТД солса кифоя қилади.

Полиз экинларини ўз вақтида профилактика қилиб туриш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун олтингугуртдан фойдаланилади. Профилактика ишларини қандай қилиб ўтказиш юзасидан агрономлар билан маслаҳатлашиб туриш зарур. Бу ишга агрономлар бевосита иштирок этишлари керак.

Помидор — асосий сабзавот экини. Уни авайлаб парвариш қилган деҳқон доғда қолмайди. Афсуски, кўпгина хўжаликларда помидор экинлари парваришси яхши олиб борилмаётир. Айниқса талалихин навли помидорда кўпгина касалликлар пайдо бўлмоқда. Стрик, столбур, мозаика каби касалликлар тез тарқалаётганлиги натижасида помидор кўчатлари ҳосил тугмай чириб кетяпти. Бунинг олдини олиш учун шу касалликларни келтириб чиқарадиган бегона ўтларни тағ-томири билан йўқотиш керак. Шу билан бирга кўчатлардаги ширани тез тозалаш зарур. Культивация, чопиқ чўқур ва сифатли ўтказилса, бегона ўтлардан ном-нишон қолмайди. Ҳар хил касалликларга ОТН-4,8 трактор аппарати ёрдамида 10 процентли карболиниум аралашмаси пуркалиб йўқотилади ёки ОУН-4-6 аппарати орқали ҳар гектарига 1000-2000 литр аралашма пуркалади. Ширани йўқотиш учун тиофос, карбофос ва бошқа дорилардан фойдаланиш зарур. Помидор кўчатлари ҳар хил касалликларга чалинган далаларни қўшимча ўғитлаш керак. Бунда ҳар бир гектар майдонга 150-200 килограмм селитра ёки суперфосфат ҳамда 100 килограммдан калий тузи солиш керак. Помидор кўчатлари «шарбат» усулида суғорилса, мўл ҳосил беради.

Картошка, карам, ош лавлаги, шолғом ва турп ҳамиша зарур бўлган маҳсулотлардир. Улар қанча кўп бўлса шунча яхши. Вазифа — ана шу маҳсулотларнинг мўл бўлишини таъминлашдан иборатдир. Бунинг учун экиндан бўшаган майдонларга ана шу ўсимликларни экиш ва яхши парвариш қилиш лозим. Айниқса кечки карамга катта эътибор бериш талаб қилинади. Ўрта зонадаги хўжаликларда кечки карам 15 июндан 15 июлгача, жанубий районларда эса 1 августгача экиб бўлиниши зарур.

Кечки карам кўчатларини экишдан олдин ҳар бир литр сувга бир грамм рогор аралашмаси қўшиб пуркалади. Бу — карамни шира тушишдан сақлайди.

Илдиз мевали экинлар экишга ҳам агрономия фани нуқтаи назаридан ёндошмоқ керак. Бу экинлар экиладиган майдонларни чизеллаш йўли билан бегона ўтларни йўқотиб, икки марта суғориш керак. Бу тадбир бегона ўтларнинг 60-65 процент камайишини таъминлайди. Илдиз мевали экинлар СОН-2,8 сеялкасида экилади. Ҳар гектар майдонга 6 килограмм уруғ ташланади. Сабзи 2-3 та барг чиқаргач, керосин пуркаб ишланади. Бунда трактор пуркагичида ҳар гектар сабзи майдонига 350-400 килограммдан керосин пуркалади.

Эрта баҳорда экилган лорх, седов навли картошкани ҳар 4-5 кунда суғориб туриш керак. Май ойининг охирларида экилган картошка униб чиқмоқда. Картошка ёппасига униб чиқишидан олдин қатор ораларини ротацион юмшатгич билан культивация қилиш ва сеткали борона билан бороналаш керак. Бу ишни ҳар 4-5 кунда қайтариб туриш талаб этилади. Айрим ҳолларда енгил «зиг-заг» бороналаридан ҳам фойдаланиш мумкин. Агар экиш олдидан ерларга азот солинмаган бўлса, эрта озиқлантириш керак ва гектарига 150-200 килограммдан аммиакли селитра ҳамда 100 килограммдан калий тузи бериш лозим. Бу ўғитлар суғориш эғатлари олинаётган вақтда ерга солинади. Кечки картошкани тез ундириб олиш учун ҳозироқ суғоришни ташкил этиш керак. Июнь ва июль ойларида кечки картошкани фақат салқин вақтда экиш талаб этилади. Бу муддат эрталаб соат 6 дан кундуз 1 гача ва кеч соат 6 дан 9 гача белгиланади. Кечки картошкани экиш олдидан ҳар гектар майдонга 100-120 килограмм аммиакли селитра, 100-150 килограмм суперфосфат ҳамда 50 килограммдан калий тузи солиш мақсадга мувофиқдир. Озиқлантириш вақтида гектарига 150-200 килограмм аммиакли селитра ва 50 килограммдан калий тузи берилади.

Уруғлик учун картошкани, хусусан ўрта пишар лорх навини 20-25 июнгача экиш яхши натижа беради.

Ёзда экилган картошка кемирувчи кўк қуртлар билан зарарланиши мумкин. Ёш картошка гупларини кўк қуртдан асраш мақсадида хлорофос аралашмаси билан пуркаб туриш зарур. Бунда гектарига 3 килограмм хлорофос 600 литр сувга аралаштириб пуркалади ёки экин 5,5 процентли ДДТ дусти, ё бўлмаса 12 процентли гексахлоран билан дориланади. Шу гексахлорандан ҳар гектар майдонга 30 килограмм солинади, сўнгра енгилгина чопиқ қилинади.

Тавсия қилинган тадбирларнинг ўз вақтида ва тўла-тўкис амалга оширилиши сабзавот, полиз экинлари ва картошкадан мўл ҳосил олинишига яхши таъсир кўрсатишига аминмиз.

Т. МУМИНОВ, А. КАРИМОВ, Н. КУЗНЕЦОВА, О. ФОНИНА, А. МУМИНОВ.
Сабзавот, полиз экинлари маҳсулоти ва картошка илмий тадқиқот институтининг илмий ходимлри.
ТОШКЕНТ.

Зилзила оқибатлари тугатиш республика ҳукумат комиссияси

Зилзила оқибатларини тугатиш республика ҳукумат комиссиясининг навбатдаги мажлисида шаҳарнинг санитариясини яхшилаш тўғрисида Тошкентдаги тиклаш ишлари учун темир йўлларда келтирилаётган юкларни тезроқ бўшатиб олиш ҳақидаги, Сергели посёлкасини барпо этаётган ҳарбий бинокорларга савдо-маданий хизматни яхшилаш тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигига ва Тошкент шаҳар ижроия комитетига шаҳарда профилактика эпидемияга қарши кураш чораларини ҳамда санитария-тозалаш ишларини кескин суръатлар кучайтириш топширилди.

Тошкентдаги қурилиш ташкилотларига ва Ўрта Осиё темир йўли бошқармасига станциялида юкларни тезроқ бўшатиб олиб, тегишли жойларга тез ва тез етказиш учун зарур чоралар кўриш топширилиф этилди.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигига ва «Ўзбекбирлашув»га яқин кунлар ичида Сергели посёлкасида 28 та савдо дўкони, шу жумладан ёғ-ёзиқ-овқат магазинини очиш, минерал сувни узлуксиз сотишни таъминлаш, сабзавот ва ҳўл ва савдосини уюштириш тўғрисида Айни вақтда «Ёрмарка-торг»га савдо-сотиқни яхшилаш таклиф этилди.

Ҳукумат комиссияси мажлисида бинокорлар ўртасида спесий-тарбия ишларини кучайтириш чоралари кўрилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Ҳукумат комиссияси профессионал-техника таълими давлат комитетига пардозловчилар, шоферлар, механизаторлар ва автослесарлар тайёрлаш учун олти ой ўқиш шартилан 3000 кишини 1966 йил июлдан бошлаб Тошкент, Тошкент ва Сирдарё областларидаги ўқув юртларига қабул қилиш топширилди.

(ЎзТАГ)

◆ ● ◆

Тошкент область, Калинин районидаги Қорасув марказий пилла қуртиш пунктида. Биринчи суратда пиллачилик бригадасининг бошлиғи Салима Қурбонова ва агроном Карима Орипова ўртоқларни кўриб турибсиз. Самарқанд область, Ғаллаорол районига қарашли 1-«Ғаллаорол» колхози далаларида бу йил 2000 гектар майдонда озуқабоп ўтлар етиштирилди. Ҳозир шу ўтлар ўрими қизғин бошлаб юборилди. 100 дан ошиқ пичан ўриш машиналари тинимсиз ишлаб турибди. Иккинчи суратда: озуқабоп ўтларни ўриш пайти.

Х. Хайитмуҳамедов ва А. Кузьменко фотолари.
(ЎзТАГ фотохроникаси.)

ҲАЁТИМИЗ ЖАМОЛИ

Абдулла ҚАҲҲОР

Республикамизда нима кўп, қурилиш кўп. Ўлимиз устида қанчадан-қанча ҳавзалар, ҳовозалар, қалашиб ётган ёғоч-тахта, иморатларнинг заводда ясалган тайёр қисмлари; қанчадан-қанча ер қазийдиган, шағал ғажийдиган, юк кўтарадиган машиналар; қанчадан-қанча битган, пардозга қараб қолган, энди қад кўтараётган бинолар учрайди.

Бундай манзараларга кўникмиз, қурилиш говурига қулоғимиз кўникиб қолган. Шунинг учун буларнинг ҳеч бирига эътибор қилмаймиз, қайрилиб қарамаймиз. Лекин мавруди келиб бир нима сабаб бўлади-ю қаршимизда турган хушсурат иморатга кўзимиз тушиб ҳайрон бўламиз: «Ие, бу кошона қачон бита қолди», — деймиз. Шундан кейин иморатнинг гўзаллигига, ҳашаматига эътибор қиламиз, иморат тушган жойнинг бурунги манзарасини эслаймиз, кўчамиз ё маҳалламизнинг жамолини кўриб тезкор ва таъдбор қурувчиларимизга тахсин ва офаринлар ўқиймиз.

Мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий маданий ва халқимизнинг маънавий ҳаётида худди мана шундай, кўз ўнгимизда бунёдга келган, кўникиб қолганимиз учун то бирор сабаб юз бермагунча кўзимиз тушмайдиган, диққатимизни тортмайдиган ишлар, ҳодисалар, ўзгаришлар озмикин?

Назаримда Тошкент зилзиласи ўшандай сабаблардан бири бўлиб, халқимизнинг кўз ўнгимизда камол топган, кўникиб қолганимиз учун кўпда кўзимиз тушавермайдиган талай маънавий ҳислатларига диққатимизни жалб қилди, ҳаётимизнинг жамолини кўрсатди.

Партиямиз қисқа бир муддат ичида халқимизга сингдирган ўшандай ҳислатлардан бири юксак даражадаги онгдир.

Тошкентда нима, қандай ҳодиса рўй берди ўзи?

«Ер қимирлади» деган гап бу ҳодисани тўла ифода қила олмайди. Зотан ер қимирлагани йўқ, силкинди, силкинганда ҳам ўтга қўйилган чойнакнинг қопқоғидай ирғиллаб турди. Бунинг оқибатида узун умри охирлаб қолган бўлса ҳам, орага уруш киргани, кейин одамлар Тошкентнинг Чилонзор сингари кўп укалари билан машгул бўлиб қолгани учун ўрнини янги иморатларга бўшатиб беришга улгурмаган қадимий биноларнинг кўпи вайрон бўлди, уларнинг йиқилмай қолган деворлари турган жойида талқонга айланди. Кенг ҳовлилар, ҳаракат таъқиқланган кўчалар, очиқ майдонлар, паркларда ҳарбий ва бошқа ташкилотлар ҳалққа улашган чодирлардан кўчалар, маҳаллалар пайдо бўлди. Бу чодирларда оилалар, медицина муассасалари, милиция, радио, ясли ва боғчалар, маҳкамалар, айрим корхоналарнинг цехлари ўз ҳаётини, ишини бошлаб юборди.

Ернинг бутун ҳунари шуми ёки чаласи бормикин?

Бу саволга ким жавоб бера олади? Зилзиладан заррача зарар кўрмаган мустаҳкам иморатларга ҳам киргани ким юрак қила олади? Уруш кўргани одамлар бомбанинг портлашидан ҳам кўра осмондан тушиб келишидаги чийиллаши—ваҳиллаши ёмон бўлади дейишади.

Шу манзара, шу аҳволнинг ўзи кишидан қанчалик ирода, нақадар жасорат, сабот ва матонат талаб қилади. Бунинг устига қаттиқ бўрон кўтарилиб, бир соатда шаҳарнинг тўс-тўполонини чиқарди. Қаттиқ шамолга ўрганмаган дарахтлар қулади, белидан чўрт узилиб тушди; электр симлари узилди, бир-бирига урилиб чақинлар чақнади, зилзиладан кейин омонат турган деворлар қулади, яна нима бўларкан деб қулоқ солиб турган томларнинг тунукаси қайрилди, шиферлар учиб кетди...

Зилзила билан бўронни бир-бирига боғлаб қиёмат ваҳмига тушган қариқартангларни йиғлатиб шу кунлари офтоб тутилмаса нима экан!

Салкам бир ой ичида «осий бандаларга қиёмат яқинлигидан дарак берувчи» уч ҳодиса рўй берса-я!

Яқиндагина СБ, ЧБ[1] курслари замонида халқимизнинг онги шу хилдаги қари-қартанглар онгидан кўпда юқори эмас эди. Ҳар бири «қиёматдан, тавба эшиги беркилаётгани»дан дарак берувчи бу уч ҳодиса ўша вақтларда рўй берса нима бўлар эди экан! Уч ҳодиса-ку эмас, ниҳоятда бир ҳодиса рўй берганда халқнинг аҳволи не кечганини Анжан зилзиласи хусусида шеър ёзган Мавлоно Камий айтиб ўтган экан:

Тавба денг аҳоблар, бўлди яқин
охир замон —
Жунбиши ер[2] бирла яксон бўлди
мулки Андижон.
Жумласи барбод бўлди молу-жону
хонмон,
Зору гиръён қолдилар ёшу қари,
хурду калон[3]
Баъзи дил бириъёну баъзиниг
жигар-бағри қабоб,
Очу муҳтожу ялангоч қолган элга
йўқ ҳисоб...

Шундай қилиб, Тошкент аҳолисининг ҳар қандай диний таассубдан озод ва юксак даражада онгли экани зилзила вақтида кўрсатган уюшқоқлиги, интизоми, жасорати, бир-бирига меҳр оқибати шаклида намоён бўлди. Ҳолбуки киши ҳеч вақт ҳалокат хавфи олдидагидек пароканда ва худбин бўлмайди.

Бундай тахлика кезларида илгариги одамларни «зору-гирён» қилган нарса фақат жаҳолат-қиёмат ваҳимаси, «очу муҳтожу, ялангоч» қолганлиги эмас, бунинг устига ожизлик, умидсизлик, «худодан ўзга гамгузор» йўқлиги, яъни кимсасизлик-ёлғизлик туйғуларидир. Тошкент аҳолиси зилзиланинг ўзидан ҳам даҳшатлироқ бўлган мана шу туйғуларни бошидан кечирмади. Халқ зилзиладан уйғониб эс-хушини ўнглаши биланоқ ҳар маҳалла, ҳар кўча ва ҳар бир хонадоннинг пушти-паноҳи бўлиб турган республика партия ташкилоти ва республика ҳукуматининг иссиқ нафасини сезди. Емирилган иморатларнинг чангги босилмасдан туриб, Иттифоқ халқларининг пешволари Л. И. Брежнев, А. Н. Косигинлар харобалар ва зилзиладан азият чеккан одамлар орасида пайдо бўлишди. Буларнинг келиши вайронагарчиликнинг миқёсини ва шу билан бирга Тошкентга пуштпаноҳ бўлиб азамат ва пўрқудрат бир давлат ҳамда икки юз ўттиз миллионлик иноқ халқлар тогдай турганини кўрсатди. Бу нарса, ҳақиқатан, иттифоқ ва республика ҳукуматларининг қарорлари, мурожаатлари ва бетўхтов жорий қилган талай тадбирларида яққол кўриниб турди. Ҳозир бўлаётган ишларга разм солиб, раҳбар идораларимизга келаётган сон-саноқсиз хатларга, дўстларимизга муттасил йўллаб турган беҳисоб бинокорлик материаллари ва хилма-хил машиналарга, зилзила оқибатини тезроқ тугатишда бевосита қатнашиш учун келган ва келаётган одамларга қараб айтганда буёғи шимолдаги Сиктивкардан тортиб, уёғи жанубдаги Тбилисигача, буёғи ғарбдаги Калининграддан тортиб, уёғи шарқдаги Хабаровскгача совет тупроғида Тошкентни ўйламайдиган, Тошкент ташвишини тортмайдиган бирон гўша бўлмаса керак.

Халқ оғзида бир афсона бор.

Қайси бир хон шаҳар атрофига қўрғон олдиргани етти яшардан етмиш яшаргача бутун аҳолини ишга солибди; ўзи тепада туриб қараса, одамлар орасида мункайган бир чол супрадай кетмонини тешадай ўйнатиб, тупроқни терак бўйидан ҳам баландроққа иргитаётган эмиш. Хон чолни чақиртирибди, бу сирнинг тагини суриштириб билса, чол белига минг олтин боғлаб олган, унинг белига қувват берган шу олтин экан. Хон олтинни унинг белидан ечиб олган экан чол дарҳол тиззалари қалтирай йиқилибди-ю, ўрнидан турганни ҳарчанд уринса ҳам мажоли етмапти.

Чолга қувват берган олтин бўлса, бизнинг халқимизга қувват бериб турган, ҳар қандай ёвуз кучга қарши қалқон бўлган, ҳар қандай фалокат олдида унга жасорат, матонат бағишлаган нарса иттифоқ халқларининг иноқлигидир.

Баъзи афсоналарда енгилмас баҳодирнинг жони бирон ноғинворда, чунончи, қушда бўлади. Шу қуш омон бўлар экан, баҳодир ўтда ёнмайди, сувда чўкмайди, қилич билан қиймалаб ташлаганда ҳам бир думалаб ўрнидан туриб кетаверади. Шунинг учун уни ўлдирмоқ қасдида бўлган душманлари мана шу жон қушини тутиб, калласини узиб ташлаш пайидан бўлишади. Бизнинг ҳам жон қушимиз бор, бу қуш Иттифоқ халқларининг орадан қил ўтмас иноқлигидир. Шунинг учун ҳамма тонфа душманларимиз аввали-ю, охири мана шу жон қушимизни мўлжалга олиб тўпдан, матбуотдан, радио ва бошқа воситалардан ўқ узгани-узган.

Шоир ва журналист Николай Грибачев айтмоқчи, «...Декадаларнинг ҳаммасида мамлакатимиз ҳалқларининг қардошларча дўстлиги тўғрисида ҳам қайта-қайта гапирилган... Гапнинг ростига кўчиб, шуни айтишим керакки, шу сўзлар ҳар қанча чин юрақдан айтилаётган сўзлар бўлса ҳам аммо қайта-қайта такрорланавериб, баъзан ўзининг эмоционал таъсирини йўқотиб қўймоқда эди, қандайдир расмият учун айтилаётган сўзларга айлана бошлаган эди...»

Тўппа-тўғри! Бу сўзлар қайта-қайта такрорланганидан ҳам совуқ нутқларни илитишга, хиссиз ёзилган асарларни безатишга хизмат қилдирилгани учун таъсирини йўқотиб, расмият учун айтилаётган сўзларга айланиб бормоқда эди. Бундан ташқари янги биналар, янгидан-янги кўчалар, маҳаллалар, халқимизнинг юксак даражадаги онги сингари халқлар дўстлиги ҳам кўз ўнгимизда тугиниб, ўсиб, воғга етганлиги, онгимизга, қонимизга сингиб кетганлиги учун унинг улуғворлигини кўпда пайқамас, самарасидан баҳраманд бўлиб турсак ҳам, узумини еб, боғини сўрамас эдик. Зилзила бу дўстликка янги жило берди, бир сабаб бўлди-ю, унинг қудратига, улуғворлигига, ҳаётимизнинг жамоли эканлигига диққатимизни жалб қилди.

Қуйидаги мактубни ёзган эр-хотин қўлига қалам олганида дўстлик сўзининг эмоционал таъсири, расмият учун айтиладиган гапга айланиб бораётганлиги тўғрисида ўйлаганмикин?

«Ҳурматли ўртоқ Рашидов!

Хотиним икковимиз бир ойлик отпускамизни (июлнинг охирида чиқамиз) Тошкентда ишлаб ўтказишга қарор қилдик. Икковимиз ҳам Ленинград қамалини кўрганмиз, ҳеч қандай қийинчиликдан чўчимаймиз. Хотиним инженер, ўзим ҳарбий денгизчиман. Тошкент зилзиласининг оқибатини тугатишда бирон ёрдамимиз тегса гоят хурсанд бўламиз. Турган гап, қилган меҳнатимизга ҳеч қандай ҳақ сўрамаймиз. Бизга биттадан кровать ва кўрпа-ястиқ берилса жуда аломат бўлар эди, чунки кўрпа-ястиқ кўтариб юрмасак деймиз.

Михаил Михайлович,
Александра Ивановна.
Адрес.»

Бунақа гап ҳар бир совет кишисидан биринчи навбатда ўрисдан чиқади!

Қуёшнинг қучоғига сиғмайдиган поёнсиз Ватанимизнинг ҳар гўша-қанорида келаётган минглаб хатлардан яна бири:

«Биз икки дугона «Уральский рабочий» нашриётида ишлаймиз. Ёш мутахассисмиз. Бизга 'икки хоналик квартира берилди. Уттиз квадрат метрлик квартирада икковимиз турамиз. Тошкентдаги аҳволдан жуда ташвишмандмиз. Тошкент саранжомини олгунча бизда меҳмон бўлиб турганингиз бирор-бир кишиси келса жуда хурсанд бўламиз.

Ирина Летошко,
Галина Кунгурцева. Адрес.»

Озарбайжондан Симонянлар оиласи Тошкентдан борадиган оилага уйининг тўридан жой, ҳар куни икки-уч литр бепул сут беришга, боғчасидан чиқадиган ҳосилни баҳам кўришга тайёр эканлигини билдириб мактуб юборди.

Ҳар ҳолда афсусланибми, ҳижолат тортибми, шуни айтишим керакки, бу мактубларги жўшқин дўстлик туйғуси, ҳарорат, ёлқин ҳеч бир адабий асаримизда бўлмаса керак.

Тошкентга ёру дўстлардан фақат хат, ташкилотлардан ва айрим кишилардан пулгина келаётгани йўқ, ҳамма қардош республикалардан, Москва, Ленинград ва Киев сингари йирик шаҳарлардан келаётган вагон-вагон бинокорлик материаллари, йигма уйлар, анвои машиналар, ишчилар, турли мутахассислар қабул қилиб улгурмаётибмиз. Замонамиз ва республикамизга муносиб пойтахтимизнинг ҳуснини очиш учун иттифоқ халқларининг метин дўстлиги, ўзаро меҳри-муҳаббати ҳашарга келди.

Ёшини яшаб, замонамизга мувофиқ ва муносиб янги қасрларга ўрнини бўшатиб бериш учун зилзилага қараб турган эски бинолар ҳаробасига танклар ҳужум бошлади, бу ёғидан шўнгиб у ёғидан бошига тошу-тупроқ, қамиш, ёғоч илиб чиқмоқда. Бульдозерлар, экскаваторлар янги қурилиш майдонларини тозаламоқда. Пойтахтимиз ҳадемай янги жамолини кўрсатади.

Қачон, бунга қанча вақт керак?

Уруш йиллари ер юзида фақат изигина қолган қанчадан-қанча шаҳарлар, қанчадан-қанча қишлоқларнинг илгаригидан юз ҳисса гўзалроқ бўлиб қад кўтаришига қанча вақт керак бўлди?

Тошкент вайрон бўлгани йўқ, фақат жароҳатланди.

1) Саводсизликни, чала саводликни битириш курслари.
2) Ер қимирлаши
3) Кичик ва катта

ВОҲА ИСТИҚБОЛИ

Шу кунларда Хоразм область суғориш системалари бошқармасида ишлар қайноқ. Шовот канали қирғоғидаги икки қаватли бинони ирригация-мелиорациянинг штаби дейиш мумкин. Суғориш системалари бошқармаси, «Туямуйинстрой» трести аппарати шу бинода жойлашган.

Биз область суғориш системалари бошқармаси бошлиғи М. Вафоевни объектларга жўнаб кетиш олдида учратиб, айрим саволларга жавоб олдик:

Савол: КПСС Марказий Комитети май Пленуми қарорларини амалга ошириш юзасидан қандай тадбирлар кўрилмоқда? Хоразмда ирригация-мелиорацияни ривожлантириш истиқболлари тўғрисида нима дейсиз?

М. Вафоев: Марказий Комитетнинг бу Пленуми суғориладиган деҳқончиликни зўр бериб ривожлантиришда янги босқич бўлади. Пленум қарорлари областимиз учун ҳам ғоят катта аҳамиятга эгадир. Беш йилликда Туямўйин сув омборининг қурилиши туфайли воҳада сув проблемаси узил-кесил ҳал этилади. Муболағасиз айтиш мумкинки, Хоразмнинг истиқбол сари йўли Туямўйиндан бошланади. 7,3 миллиард кубометр сув сиғдирадиган гигант сув омбори ҳозир қўрилаётган Жанубий Хоразм каналини оби-ҳаёт билан таъминлайди. Хоразм области ва Туркманистон ССР-нинг Тошҳовуз зонасидаги районлар «оқ олтин» ва бошқа бойликлар конига айланади. Биз Тошсоқа каналини чўқурлатиш ва кенгайтириш, суғориш тармоқларини реконструкция қилиш тадбирларини ишлаб чиқдик. Сув хўжалиги ходимлари 32 колхозда бўлиб, ички суғориш тармоқлари ва зовурларни қайта қуриш инженерлик лойиҳасини тайёрладилар. Бу лойиҳа бўйича беш йил ичида 450 миллион кубометр тупроқ қазиш, 120 минг кубометр бетон ётқизиш ишлари бажарилади. Жуда кўп сув тақсимловчи иншоотлар, лотоклар, кўприклар қурилади.

Савол: Туямўйинда ҳозир қандай ишлар бажарилмоқда?

М. Вафоев: Бу хусусда Александр Александрович гапириб бериши мумкин.

«Туямуйинстрой» трести бошқарувчиси Александр Александрович Корниенко куни кеча Туямўйиндан келган экан.

А. А. Корниенко: Ҳозир Туямўйинда бош иншоотга бетон ётқизилмоқда. Жанубий Хоразм каналининг 18 километр узунликдаги биринчи навбати қурилаётир. Тупроқ қазиш, қояларни портлатиш, бетон ётқизиш ишлари авжида. Питнак қурилиш-монтаж бошқармаси қурувчилари яхши меҳнат қилмоқдалар. 130 километр узунликдаги ва 100 метр кенгликдаги Жанубий Хоразм канали секундига 500 кубометр сув ўтказади. Туямўйин омборидан сув оладиган бу канал уч йилда қуриб битказилиши керак. Бу муддатни анча қисқартиришга ҳаракат қилмоқдамиз.

Савол: Ўртоқ Вафоев, энди ерларни мелиорациялаш соҳасида қандай ишлар қилинаётганлигини билишни истардик.

М. Вафоев: Дарёлиқ магистрал коллекторига қуйиладиган Ғазовот — Довдон, Янгибозор, Девонқўл коллекторлари реконструкция қилинади. Каттакўл коллекторининг 130 километр узунликдаги қисми қайта қурилади. Секундига 42 кубометр, ҳозиргидан 3,5 баравар кўп ер ости суви область территориясидан Сариқамиш жарлигига оқизиб юборилади. Умуман, ирригация ва мелиорацияни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Бу соҳада ишни шундай ташкил этмоқ керакки, ҳам сув кўпайсин, ҳам зах бўлмасин. Шундагина экинлардан муттасил мўл ҳосил олинади.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

МУҚИМИЙ ТЕАТРИ АНДИЖОНДА

Муқимий номли республика музикали драма ва комедия театри ижодий коллективи Андижонга гастролга келди. Коллектив янги спектакллар ва катта концерт программаси билан областнинг колхоз совхозларида, шаҳар, район марказларида бўлиб, меҳнаткашларга маданий хизмат кўрсатади.

Муқимий номли музикали драма ва комедия театри коллективи қардош Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида ҳам ўз гастролларини давом эттиради.

Н. ИНОҚОВ.

Бу йил Андижон медицина институтини 315 ёш битириб чиқди. Улар Андижон, Фарғона, Қашқадарё ва бошқа областлардаги медицина муассасаларида иш олиб борадилар. Суратда: институтни битириб чиққан бир группа қизлар.

В. Сироткин фотоси.

ФУТБОЛ

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ АТРОФИДА...

ЖАҲОН чемпионати ўйналадиган дарбозанинг тўри Брайдпорт шаҳридаги «Броди» фирмасига буюрилди. Ана шу фирманинг тўри «Уэмбли» стадионида олти йилдан бери узлуксиз тутилмоқда.

* * *

ИТАЛИЯ терма командасининг тренери Э. Фаббри 30 ўйинчини танлаб олди. Ана шулардан 22 таси Англияга боради. Тренерни асосий дарбозабон Негрининг касаллиги ташвишга солмоқда.

* * *

ФРАНЦУЗ журналистлари терма команданинг марказий ҳужумчиси Филипп Гонденни мамлакатнинг энг яхши футболчиси деб ҳисобладилар.

* * *

УРУГВАЙ терма командаси Англияга кетатуриб Изроилга тушди. Уругвай спортчилари Изроил терма командаси билан контроль учрашув ўтказиш ниятидалар.

* * *

ЖАҲОН чемпионати ўтаётган кунларда 56 ресторан ва кафенинг иш куни икки соатга узайтирилади. Шундай қилиб 56 ресторан ва кафе тунги соат биргача очиқ бўлади.

СУД ЗАЛИДАН

ҲОВЛИ ОЛМА, ҚЎШНИ ОЛ

Н. Варламов қўшниси В. Қосимовга жуда меҳрибон, соясига кўрпача соларди...

Бу, сиртдан қараганда шундай туюлади. Аммо, нопок Варламов қўшнисининг йўқлигини пойлади. Қосимовнинг командировкага кетганини эшитган Варламов қўшнисининг айвонидан форточка орқали деразани очиб, ошхонага, сўнгра уйга кирди. Уйдаги шкаф ва сандиқларни роса титди. 114 сўмлик кийим-кечак ҳамда велосипедни ўмариб, секингина чиқиб кетди.

Ўғри-қўшнининг чуви чиқди: милиция ходимлари Варламовни қўлга туширишди. Варламов суднинг қора курсисида кўз ёш тўкиб кечирим сўради, бўлмади. Суд уни икки йил қамоққа ҳукм қилди.

РЕДАКЦИЯМИЗ МЕҲМОНИ

Кеча «Совет Ўзбекистони» газета редакциясига Болгария Компартияси Марказий Комитетининг органи «Йени нишин» («Янги нур») газета редакторининг ўринбосари Салим Билолов меҳмон бўлиб келди. Шу куни у газета ходимлари билан, шунингдек республика журналистларининг иншоий ишлари билан танишди. У редакция аппаратида ишнинг қўйилиши, газета саҳифаларида ёритилаётган материалларнинг тематикаси, мазмуни билан қизиқди.

Болгариялик журналист бугун Самарқанд, Бухоро ва Фарғона областларига саёҳатга чиқди. Кўпгина китобларнинг, публицистик мақолалар, очерклларнинг автори ўртоқ С. Билолов саёҳат вақтида республикамиз меҳнаткашларининг ҳаёти ва меҳнати билан танишади, маҳаллий газета редакцияларида, саноат корхоналари, колхоз ва совхозларда бўлади. Суратда: Салим Билолов.

Халқаро ҲАЁТ

ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ЕР ЮЗИДА ТИНЧЛИК ЎРНАТИШ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

ЖЕНЕВА, 14 июнь. (ТАСС). Совет вакили А. А. Корнейчук кеча Жаҳон тинчлик кенгашининг ялпи мажлисида бўлган музокаларда сўзга чиқиб, қуйидагиларни айтди: Жаҳон тинчлик кенгашининг сессияси тинчлик учун оғир бир пайтда ўтмоқда. Қўшма Штатлар Вьетнамда олиб бораётган агрессив уруш халқаро кескинликни кучайтирмоқда. Бу урушга хотима берилмаса экан, кескинликни жиддий равишда юмшатиш сари бориш ясаш мумкин эмас.

Жаҳон тинчлик кенгаши, деди А. А. Корнейчук, Шарқ-Жанубий Осиёдаги воқеаларга нисбатан ўз муносабатини бир неча бор белгилаб берди. Биз ўз ирода-лигимизни ва мустақиллигимизни ҳимоя қилиш учун кураш олиб бораётган ҳаҳрамон Вьетнам халқини тамомила қўллаб-қувватлаймиз.

А. А. Корнейчук Америка агрессиясини тўхтатиш чоралари остида тинчлик учун мумкин қадар кўпроқ ишларни ва Вьетнам халқи билан оммавий бирдамлик ҳаракатини мувофиқлаштириб олиб бормоқ учун Жаҳон тинчлик кенгаши ва бошқа халқаро ташкилотларнинг мўътабар делегацияларини Европа, Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги мамлакатларига юборишни таклиф этди.

Тинчлик тарафдорлари, деди А. А. Корнейчук, ер юзининг бошқа районига нисбатан ҳам хушёрликни кучайтирмасликлари керак. Кейинги вақтларда ер юзининг ана шу қисмида тинчлик ва озодлик ишига қарши агрессорлик авж олиб кетди. Бунда гап Куба тўғрисида бораётир. АҚШнинг агрессив доиралари Кубани ўз ҳолига қўйишни сира ҳам истамадилар.

Агрессорлар хатарли найранг ишлатмоқдалар, ахир бу қаҳрамон оролнинг халқи ёлғиз эмас-ку. Бу оролнинг халқи ҳар қачонгидек ҳозиргидек ҳам бизнинг ёрдамимизга қатъий умид боғлай олади.

Биз миллий озодлик учун курашаётган ёки ўз мустақиллиги ҳамда суверенитетини қаттиқ ҳимоя қилиб, империалистларнинг ҳарбий интервенциясига қарши, халқларнинг ички ишларига аралашишнинг ҳар қандай формаларига қарши курашаётган Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги барча халқлар билан бирдаммиз.

А. А. Корнейчук Европа хавфсизлиги проблемаларига, шунингдек тинчлик йўлидаги ҳаракатнинг баъзи ички масалалари ва асосий принципларига тўхталиб ўтди.

СССР сиёсати изчил ва ўзгармас сиёсатдир. Бу — тинчлик ва халқлар хавфсизлиги учун кураш сиёсати, ўз озодлиги ва мустақиллиги учун, социал тараққиёт учун курашаётган барча халқларни қўллаб-қувватлаш сиёсатидир. Бу — қуролсизланиш учун, жаҳон термоядро урушининг олдини олиш учун кураш сиёсатидир. Жаҳон термоядро уруши инсониятнинг бошига сон-саноқсиз кулфатларни солган бўлур эди. СССРнинг сиёсати — турли иктимоий тузумлаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш сиёсатидир.

КПССнинг XXIII съезди ана шу йўлни янада зўр куч билан таъкидлади.

А. А. Корнейчук Жаҳон тинчлик кенгашининг бошқа тинчликсевар кучлар билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш ва бундай ҳамкорликнинг ташкилий формалари тўғрисидаги масалани кўтарди. У, Жаҳон тинчлик кенгаши президиуми ҳузурида алоқа боғлаш комиссияси тузишни ва бундан буён халқаро координация марказини вужудга келтиришни таклиф этди. Жаҳон тинчлик кенгаши ана шу халқаро координация марказида тенг асосларда бошқа тинчликсевар оқимлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилган бўлур эди.

Совет делегацияси, деб таъкидлади А. А. Корнейчук, тинчлик тарафдорларининг халқларни тўлқинлантираётган мақсадлар йўлида янада активроқ, янада сергайрат бўлиб ҳаракат қила олишлари учун сессиянинг бошқа ҳамма қатнашчилари билан биргаликда ҳамма зарур чораларни кўришга тайёрдир.

ИНДОНЕЗИЯДАГИ АҲВОЛ

ПАРИЖ, 14 июнь. (ТАСС). Индонезиянинг бош прокурори генерал-майор Сугихарто кеча гапириб, Индонезия ҳукуматининг шу йил март ойи ўрталарида қамоққа олинган 18 та собиқ министрларидан баъзиларини тез орада суд қилиш бошланади, деган. Буни франс пресс агентлигининг мухбири Жакартадан хабар қилди. Сугихарто министрлар иши юзасидан ўтказилаётган дастлабки тергов тамом бўлганлигини ҳам айтган. Министрларнинг баъзилари пораҳўрликда, баъзилари ўтган йил октябрь ойида муваффақиятсизликка учраган давлат тўнтаришида иштирок қилишда айбланмоқдалар.

Бош прокурор қамоққа олинган министрлардан кимларнинг иши судга берилганлигини айтишни истамади. Қамоққа олинганлар орасида собиқ тащқи ишлар министри Субандрио ва бош министрнинг собиқ учинчи ўринбосари Ҳайрул Солих ҳам бор.

ЯНА ДЕЛЬФИНЛАР ҲАҚИДА

Ҳурматли газетхонлар! «Совет Ўзбекистони»нинг шу йил 10 июнь сонида Маҳмуд Вали исмли араб инженерини бир тўда дельфинлар ўлимдан қут қариб қолгани ҳақида хабар босилган эди. Кўпчилик газетхонлар дельфин қандай махлуқ эканлиги ҳақида муфассалроқ маълумот беришни сўраб хат ёзишди. Шуни назарга олиб, қуйидаги мақолани эълон қилаётирмиз:

◆ ◆

Сут эмизувчилар тоифасига мансуб бўлган дельфин энг «ақлли» ҳайвонларандир. Мутахассисларнинг айтишича, борди-ю одам бора-бора бирон жонзоднинг «тилини топиб», у билан гаплашадиган бўлса, бундай дельфин бирдан-бир жонзод дельфин бўлиши мумкин. Нега тўти-ю маймунлар қолиб, дельфин бундай «шарафли» ўринни эгаллайди?

Маълумки, дельфиннинг миясига маймунларникига қараганда огир, айни вақтда анча мураккаб тузилган бўлиб, ўз хусусиятига кўра одам миясига тенглашиб қолади. Унинг миясидаги марказларнинг бурчи ҳозирча фанга сир.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, дельфиннинг марказий нерв системаси анча яхши тараққий этган экан. Бу ҳол одам билан дельфиннинг сўзлашувини амалга оширишда муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Шуни ҳам айтиш керакки, дельфинларнинг «одамшаванда-лиги» халқ оғзаки ижодида ҳам ўз аксини топган. Бу ҳақда бир қанча халқлар кўп достон ва ривоятлар яратганлар. Юнон файласуфи Аристотель ва Рим олими Плинийлар ҳатто ўша замонларда болаларнинг дельфинларни қандай қилиб қўлга ўргатишгани ҳақида маълумотлар ёзиб қолдирганлар. Жумладан, нақл қилинишича, дельфин бир мактаб боласини узоқ вақтгача мактабга қатнаш вақтида кўрфазнинг у соҳилидан бу соҳилига опичиб ўтказиб юрган ҳамда боланинг қўлидан овқат еб юркан. Боланинг овозини эшитган ҳамоно дельфин бир зумда ўқдай отилиб келаркан. Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди деганларидек, бу ривоятда ҳам, ҳар ҳолда, маълум бир ҳақиқат бор.

Абу Райҳон Беруний ҳам дельфиннинг ақлли махлуқлиги тўғрисида гапириб ўтган: «... Бу ҳайвон кемаларнинг юришига ёрдам бериб сузади ва ўйнашади, буни ҳиндлар бурлу деб атайдилар. Менимча, у дўлфин ёки шунинг бир тури бўлса керак. Айтишларича, унинг бошида дўлфинники сингари нафас олиш ёриғи бўлар эмиш».

Дельфиншунос совет олими С. Е. Клейненберг бундай «олижаноб» ҳайвоннинг инсонга бўлган бегараз муносабатини тасвирлаб, ёзади: «Янги Зеландия ороллари нинг пляжларидан бирига бир дельфин танда кўйдиган бўлиб қолди. Бу «меҳмон»нинг феъл-атвори одамларнинг диққатини жалб эта бошлади. У гўё одамларга хушомад қилгандай, дам сувга шўнгир, дам сув бетига тўсатдан қалқиб чиқар ва жилпанглаб эркаланар эди. Қайиқчилар эшкаклари билан уни силашар, бу эса унга хуш ёқарди ва дельфин анча жойгача қайиқ билан ёнма-ён сузиб борар эди. Баъзан чўмилувчилар сувга копток ташлашарди. Дельфин эса уни дарҳол илиб олиб, бурнида иргитиб ўйнар ва бу билан томошабинларни мамнун этарди. Чўмилувчилардан бирортаси ўзини жўрттага чўкаётганликка солса, дельфин шу заҳотиёқ шўнгиб, «ботаётган» кишини сув бетига кўтариб чиқарди. Дельфин сувда сузаётганида тез-тез шўнгиб турар, аммо устида одам борида бу одатини тарк этарди. Бу хушфеъл ҳайвон ҳаммага манзур бўлганлигидан унга Опа-Жек деб исм қўйишган. Кунларнинг бирида нима бўлди-ю, бечора дельфинга кема парраги тегиб ўлиб қолди. Дилкаш ҳайвоннинг хотираси абадийлаштирилди — унга шу пляжда ҳайкал ўрнатилди».

Бир куни Флорида (АҚШ) ярим ороли соҳилида бир дельфин сувга чўкиб кетаётган хотинни ўлимдан қутқарган. Денгизларда кема ҳалокатига учраган кишиларнинг мушкулини осон қиладиган дельфинлар ҳам оз эмас.

Баъзан дельфинлар тўда-тўда балиқларни балиқчилар тўри томон ҳайдаб келади, яъни балиқчиларга «ҳашар» қилади. Башарти ўзи тўрга тушиб қолса ҳам одамга ҳужум қилмайди, ҳатто одамни тишламайди ҳам.

Ўз номини эшитган дельфинлар жавоб тарзидаги овоз чиқаради, қиргоқдан ёки кемалардан музика садосини эшитиб қолгудай бўлса бас, у ўша ерда бир зумда ҳозир бўлади. Дельфинларнинг эшитиш органи яхши тараққий этган. Ҳатто сувга тушган тарақдек нарсанинг овози ҳам унинг қулоғига 15 метр наридан бемалол эшитилади. Дельфинлар таъми жуда яхши ажратади. Борди-ю, сувнинг кимёвий таркиби сал ўзгарса ҳам уни дарров пайқайди.

Сузиш бобида дельфинга тенг келадиган жонивор камдан-кам учрайди. У соатига 60-70 километр тезликда сузиб, гизиллаганича «душмани»ни бир ёқлик қилиб келади. У майда балиқларни тутишда ҳам устаси фаранг. Юқори ва қуйи жағларидаги 200 дан 210 тача майда ва найзасимон тишларидан ҳар қандай сирғанчиқ балиқнинг ҳам қутулиб чиқиши амри маҳол. Шунисн ҳам борки, ўта тезликда сузиш уни ҳар қандай хавф-хатардан сақлайди.

Бошқа сут эмизуачи ҳайвонлардек, дельфин ҳам ҳаводаги нафас олишига қарамай, 2000 метр сув остида бир ярим соатгача тура олади. Унинг нафас олиш органи пешанаси яқинидаги тешикчадир. Тешикнинг ҳаво йўлини очиб-ёпиб турадиган клапани — қопқоғи бўлиб, у сувга шўнгиганида ёпилади, юзага чиққанида эса очилади.

Китсимон ҳайвонлар турқумига кирувчи дельфинлар тишли китларнинг энг майдасидир. Уларнинг бўйи кўпинча 2,5-3 метр бўлади, аҳён-аҳёнда 8-10 метрлик дельфинлар ҳам учраб туради. Орол ва Каспий денгизларидан бошқа жами денгиз ҳамда океанларда дельфинлар бор.

Дельфин довюрак махлуқ. Ҳатто, денгиз ҳайвонларининг энг йиртқичи саналган акулага ҳам бас келади. Лекин тутқун дельфинга одам қанча азоб бермасин, шунга қарамай, у одамга шикаст етказмайди.

Иккинчи жаҳон уруши даврида дельфинларнинг сони кескин камайиб кетди. Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, балиқ саноатида дельфинлар унчалик кўп фойда келтирмайди. Дельфин гўшти ҳайвонларга озиқ сифатида берилади. Ёғидан эса турли техник мойлар тайёрланади.

Дельфинларнинг камайиб кетишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Уларни асраш ва кўпайтириш, бунинг учун эса зарур шароитлар яратиб бериш лозим. Дельфинларнинг ҳаётини чўқурроқ ўрганиш фойдадан холи эмас, чунки у келажакда фанга ҳали тўла равшан бўлмаган океан ости сирларини очишда ёрдам бериши мумкин.

А. МУҲАММАДҚУЛОВ,
«Фан ва турмуш» журналининг ходими.



Суратда: Дельфинлар сувдан икки қават бино баландлигича сакрай оладилар.

ҲАЁТБАХШ ЎЛКА

Махачқалада республика клиник касалхонасида геронтология кабинети очилди. Унга медицина фанлари кандидати Рамазон Шамхалович Аликишиев раҳбарлик қилмоқда. У кўп йилларда бери узоқ умр кўрувчиларнинг соғлиғи, ишга қобилиятлилиги, турмуши, овқатланишини ўрганяпти.

Догистон узоқ умр кўрувчилар республикаси бўлиб қолди: бу ерда ҳар ўн кишидан бири 60 ва ундан ҳам ортиқроқ ёшда, 16 мингдан кўпроқ киши 80 ёшдан ошган ва 644 киши 100 ёшдан 149 ёшгача. Англия, Франция ва Японияни бирга қўшиб ҳисоблаганда бу мамлакатларда қанча 100 ёшлик киши яшаётган бўлса, Догистонда деярли шунча 100 ёшлик киши яшайди.

Кабинет шаҳар ва қишлоқларда геронтология хизмати кўрсатишни ташкил этишга киришди.

(ТАСС).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

7.55 — Озодалик — саломатлик гарови (рус.). 8.25 — Эстрада концерти. 9.30 — Музикали танаффус. 9.45 — Озодалик — саломатлик гарови (тож.). 10.30 — Симфоник асарлар. 11.10. — Бугун йўлдош шаҳарда 11.25 — И. Акбаров. Квартет. 12.15 — СССР санъат усталари концерти. 13.00 — Чорвадорлар учун. 13.30 — Оперетталардан парчалар. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун. 16.15— Адабий- музикали радиокомпозиция. 18.10 — Болгар шоирларининг шеърлари. 18.30 — Ўзбек операларидан парчалар. 19.20 — Татар халқ қуйлари. 20.00 — Тошкент — дўстлик рамзи (рус.). 20.15 — Қурувчилар учун концерт. 20.45 — «Коммунистик қурилишда КПСС ролининг ошиб бориши». 21.20 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт. 21.55 — Озодалик—саломатлик гарови. 22.00 — Қардош социалистик мамлакатларда. 22.10 — Рақсга таклиф. 22.40 — О. Ёқубовнинг «Эр бошига иш тушса» романидан парча (рус.). 23.20 — Концерт.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар.** 18.20 — **Кўк тимсох, Ғоз-Балбинки** (болалар учун мультфильмлар). 18.40 — **Рассом ва замон.** — 19.10 — **Тенгдошлар** (ҳужжатли фильм). 19.30 — **Сохта подшо** (бадиий фильм).

20.45 — **Эртаги кун программаси.**

Ўзбек тилида: 20.50 — **Телевизион янгиликлар.** 21.05 — **Вальпарайсо** (ҳужжатли фильм). 21.35— **Тошкент истиқболи.** 21.55 — **Уч денгиз оша** (бадиий фильмнинг 1-серияси).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00дан — **Олмаота кўрсатади.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Алданган ва хўрланган — САНЪАТ САРОЙИ, «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «ЧАЙКА», «ДРУЖБА», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (эрталаб соат 11, кундуз 3, 4 ва кеч 9 да).

Етти азамат — «СПУТНИК», «МИР», НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Мамлук (эрталаб соат 10, кундуз 2 ва кеч 6 да), **«Тобаго» йўлини ўзгартади** (кундуз ва кечқурун) — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ».

Тайга десанти — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Жунгли қизи — СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

Бир марта картошка, инни марта картошка — «ДРУЖБА» (кундуз соат 12 ва кеч 10 да).

Болалар ҳақида — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (эрталаб соат 11 да).

ТОШКЕНТ МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

18, 19 июнь кеч соат 7 яримда Совет Иттифоқи биринчилиги учун «А» классидаги: **«Пахтакор» (Тошкент) — «Шахтёр» (Донецк) командалари ўртасида**

ФУТБОЛ

18/VI да дублёр составлар, 19/VI да асосий составлар ўйнайди.

САМАРҚАНД МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ
институтни 1956 йилда тамомлаб кетган ўртоқлар билан 18 июнда
УЧРАШУВ КЕЧАСИНИ ЎТКАЗАДИ.

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР:

1966 йил 25 июнь эрталаб соат 11 да, В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети тарих факультетининг илмий совети мажлисида (Карл Маркс кўчаси, 32-уй, 36-аудитория)

З. Хатипова: — тарих фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Андижон область партия ташкилотининг пахтачиликни янада юксалтириш соҳасидаги фаолияти (1951—1958 йиллар)» деган темада.

Диссертация билан университет кутубхонасида танишиш мумкин (Куйбишев кўчаси, 10-уй).

1966 йил 27 июнь кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институтининг илмий совети мажлисида (Гоголь кўчаси, 70-уй, катта конференц-зал фойеси)

М. Р. Мирзаахмедова — филология фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Подшохожа ҳамда унинг «Мифтоҳул адл» ва «Гўлзор» асарлари» деган темада.

Диссертация билан фанлар академияси кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

КОНКУРСЛАР:

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ТОШКЕНТ АСТРОНОМИЯ ОБСЕРВАТОРИЯСИ

Қуёш физикаси бўлимининг вакант старший илмий ходими вазифасида ишлаш учун

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — 31/VI гача.

Ҳужжатларни тақдим қилиш учун адрес: Тошкент шаҳар, Астрономия кўчаси, 33-уй.

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ФИЗКУЛЬТУРА ИНСТИТУТИ

вакант вазифаларда ишлаш учун

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Гигиена ва химия кафедрасининг мудири (профессор ёки доцент);

гигиена ва химия кафедрасининг профессори ёки доценти;

физиология кафедрасининг старший ўқитувчиси;

қиличбозлик кафедрасининг ўқитувчиси.

Конкурс муддати — 1/VII гача.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Охунбобоев кўчаси, 6-уй.

СССР Медицина фанлари академиясининг ЎЗБЕКИСТОН ЎЛКА МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ

қуйидаги лабораторияларнинг вакант вазифаларида ишлаш учун

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Биохимия — старший илмий ходимлар (биохимия соҳасидаги ишдан камида 5 йиллик стажи бўлган фан докторлари ёки кандидатлари);

фармакотерапия — старший илмий ходим, младший илмий ходимлар (5 ўрин);

эндемик бўқоқ — старший илмий ходим, младший илмий ходим;

меъда-ичак патологияси — младший илмий ходимлар (4 ўрин);

модда алмашинуви физиологияси — старший илмий ходим;

ҳазм қилиш физиологияси — младший илмий ходим.

Конкурс муддати — 1/VII гача.

Адрес: Тошкент шаҳар, Братск кўчаси, 51-уй.

Сурхондарё область партия комитети ва область ижроия комитети область партия комитетининг аъзоси, область Совети депутати, республикада хизмат кўрсатган врач, область соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири

Қиёс Исмоил ўғли МАМЕДОВНИНГ

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қиладилар.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» РЕДАКЦИЯСИГА

Оиламиз бошига тушган оғир қулфат — қимматли Сирож Нуриддинович Нуриддиновнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан бизга ҳамдардлик билдирган ташкилотлар ва кишиларга самимий миннатдорчилигимизни газетангиз орқали маълум қилишингизни илтимос қиламиз.

Е. Насриддинова, Л. Нуриддинова, Б. Нуриддинов, З. Нуриддинова.

«Совет Ўзбекистони»нинг навбатдаги сони 18 июнда чиқади.

Редактор **М. ҚОРИЕВ.**

Сизнинг адрес ва телефонлар — СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ТОШКЕНТ. «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 26. Редактор — В36545. Редактор ўринбосарлари — В37914, В39323. Масъул секретарь — В34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — В37283. Партия турмуши — В33469, В37221. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш, халқаро ҳаёт — В31216. Коммунистик тарбия — В31455. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — В34780. Совет қурилиши — В33258. Қишлоқ хўжалиги — В37604. Адабиёт ва санъат — В32036, В37221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — В34451. Маҳаллий ахборот — В32347. Оммавий ишлар ва хатлар — В39005, В33553. Иллюстрация — В34524. Стенографистка — В37343. Корректура — В37162. Эълонлар — В38142. Коммутатор — В30249, В30250, В30251, В30252, В30253, В30254, В30255, В30256, В30257, В30258.

№ — 135. ИНДЕКС 64543. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Р. 08511.